Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ҚИШЛОК ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг рўзномаси

1991 йил 24 апрель
ЧОРШАНБА
№ 79 (5.121).
БАҲОСИ 8 тийин

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган ♦ Ҳафтада беш марта чоп этилади

СИНОВЛАР ВА УМИД-ОРЗУЛАР ДАВРИ

Бугунги ишларимиз ва қийинчиликларимиз бизни инқилобчи, мутафаккир, инсон — В. И. Ленин меросига мурожаат этишга ҳар қачонгидан ҳам кўра кўпроқ мажбур қилмоқда. Қайта қуриш коммунистларга, меҳнаткашлар оммасига ҳақиқий Ленинни — ҳар қандай шароитда ҳам асосий нарсани: халқ манфаатлари ва эҳтиёжларини кўра олиш қобилиятига эга бўлган сиёсатчини кашф этди. Совет тарихининг ҳозирги ниҳоят ўткир ва туб бурилиш босқичида биз Ленининг жозибали сўзларига, Ленининг оқилона маслаҳатига айниқса муҳтожмиз. Совет давлати асосчиси туғилган кунинг 121 йиллигига бағишлаб Москвада ўтказилган тантанали мажлисда ана шу фикр янгради.

22 апрель, В. И. Ленин туғилган кунда ССР Иттифоқи Катта театрида Москва ва Москва вилояти меҳнат жамоаларининг, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, халқ депутатлари, фан ва маданият арбоблари, Совет Қуролли Кучларининг жангчилари, Ленин партиясининг ветеранлари тўпландилар. Чет эл дипломатлари, хорижий меҳмонлар иштирок этишди.

Тантанали мажлисда М. С. Горбачев, Г. И. Янаев, А. И. Лукьянов, В. С. Павлов, СССР Олий Кенгаши палаталарининг раислари, СССР Хавфсизлик Кенгашининг аъзолари қатнашдилар.

Тантанали мажлисни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи котиби Ю. А. Прокофьев очди.

СССР давлат гимни ижро этилди.

КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосари В. А. Ивашко ўз нутқини «Ленин ва ҳозирги замон» деб атади.

Биз давлат ҳам, партия ҳам ўз тарихидаги энг таҳликали пайтни бошдан кечираётган бир шароитда Коммунистик партия билан Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленин туғилган кунинг бир юз йигирма бир йиллигини нишонлоқдамиз, деди у. Шу сабабли Ленин ҳақидаги фикр-мулоҳазалар — шунчаки анъанавий ҳурмат ифодаси бўлмай, балки ўтмишни ва ҳозирги кунимизни чуқур идрок этиш эҳтиёжи ҳамдир.

Нотиқ мамлакатимиздаги ҳозирги вазиятга кенг тўхталиб, бир қатор фикр-мулоҳазаларни билдирди.

Йиғилишда 3-сонли «Мосстроймеханизация» трестининг бульдозерчиси К. А. Николаев, В. И. Ленин Марказий музейининг директори В. Е. Мельниченко, Москва алоқа илмгоҳи сиёсий иқтисод муаллимаси М. Л. Ларионова, меҳнат фахрийси, фахрийлар Москва шаҳар Кенгашининг аъзоси А. И. Жаринов сўзга чиқдилар.

Тантанали мажлис ёпиқ деб эълон қилинади. Совет Иттифоқи давлат мадҳияси янграйди.

Сўнгра катта байрам концерти намойиш қилинди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН: ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон ССР давлат делегацияси 19—21 апрель кунлари Туркманистонда бўлди.

Делегациянинг сафар дастурида, протоколда белгиланган расмий тадбирлардан ташқари, республика билан танишиш учун сайр қилиш, халқ бахшиси Ораз Солирнинг 115 йиллигига бағишланган тантаналарда, Туркманистонда Алишер Навоий кунларининг очилишида қатнашиш кўзда тутилган эди.

20 апрель куни С. А. Ниёзов ва И. А. Каримов, Туркманистон ССР ва Ўзбекистон ССР давлат делегацияларининг аъзолари атоқли туркман мусиқачиси Ораз Солир туғилиб ўсган Серахс районига келдилар. Серахсликлар миллий мусиқа маданиятининг кўпгина ажойиб саҳифаларини очган ўз юртдоши хотирасини ардоқлаб асрамоқда. Серахс атрофида бўлиб ўтган халқ байрами бунинг исботи бўлди. Баҳор лолаларидан бамисоли гилам тўшалгандек каттакон далада бўлиб ўтган бу байрам кўркам ва унутилмас манзара касб этди. Бу ерда хонанда ва созандалар бирин-кетин ўз санъатларини намойиш қилдилар, бақувват ва эпчил полвонлар куч синашдилар, халқ хунармандчилиги усталари ўз маҳоратларини кўз-кўз қилдилар.

С. А. Ниёзов ва И. А. Каримов тантана қатнашчиларини табриклаб нутқ сўзладилар.

Шу куниёқ Туркманистон ва Ўзбекистон раҳбарлари Бадҳиз қўриқхонасига бордилар. Бу йил унинг ярим асрлик юбилейи нишонланади. Даҳшатли 1941 йилнинг декабрь кунларида барпо этилган бу қўриқхона жумҳуриятнинг ноёб наботот ва ҳайвонот дунёсини сақлаб қолиш ва кўпайтиришда кўп иш қилди. Ҳозир қўриқхонада ҳайвонлар, паррандалар, ўсимликларнинг юзлаб турлари бор. Ҳурматли меҳмонлар табиатни муҳофаза қилиш ишининг ташкил этилиши билан, қўриқхона ходимларининг илмий ишлари билан қизиқиб танишдилар.

И. А. Каримов Туркманистонда бўлган вақтида Ўзбекистондан чақирилган чегарачи жангчилар ҳузурига борди, уларнинг турмушини, хизматини қизиқиб суриштирди.

21 апрель куни С. А. Ниёзов билан И. А. Каримов эрта тонгда Ашхобод районидаги «Социализм» колхозига йўл олдилар. Ҳозир бу ерда кўкламги дала ишлари авжи қизиган пайт.

Сўнгра Туркманистон ССР Президентининг қароргоҳида Туркманистон ва Ўзбекистон давлат делегациялари ўртасида расмий музокаралар бўлиб ўтди.

Шундан кейин Туркманистон ССР билан Ўзбекистон ССР ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани, шунингдек иккала жумҳурият ҳукуматлари ўртасида 1992—1995 йиллардаги иқтисодий ва маданий ҳамкорлик ҳақидаги битимни имзолаш маросими бўлди. Ҳужжатларни Туркманистон ССР Президенти С. А. Ниёзов билан Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов имзоладилар.

Ҳужжатлар имзоланганидан кейин И. А. Каримовга сўз берилди.

Агар бугунги воқеага сиёсий жиҳатдан баҳо берадиган бўлсак мамлакатимизда рўй бераётган вайронагарчилик жараёнлари аносида, марказ билан иттифоқдош жумҳуриятлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар кескинлашган бир вақтда, бутун совет халқини ташвишга солаётган миллатлараро катта зиддиятларни ҳисобга оладиган бўлсак, бизнинг шартномамиз жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки биз, аввало мамлакатимиз миллатлари ва халқлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни чуқурлаштириш ва яхшилаш зарурлигини ҳозирча тушунмаётган ва унга етарли баҳо бермаётган кишиларнинг ҳаммасини, барча жумҳуриятларни бизга эргашишга таклиф қиламиз. Бу жуда чуқур маънавий аҳамиятга эга. Шундай йўл билангина мамлакатимизда миллий тотувликни таъминлашимиз, жумҳуриятлар ўртасида ҳамжиҳатликка эришишимиз ва энг асосийси ҳонадонимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашимиз мумкин. Бусиз менимча бутун Совет Иттифоқини ривожлантириб бўлмайди, деб таъкидлади Президент.

Агар иқтисодий нуқтаназардан гапирадиган бўлсак, жумҳуриятларимиз халқ хўжалигининг умумий ривожланишига кўра ҳам бирбирига ўхшаш. Афсуски, бугунги кунда биз бесўнақай иқтисодиётга асосланган қолоқ халқ хўжалигига эгамиз, у ўзбек ва туркман халқларининг ҳам, жумҳуриятларимизда яшаётган бошқа халқлар вакилларининг ҳам манфаатларини бирдек камситади. Энди бундай аҳволга тоқат қилиб бўлмайди. Жумҳуриятларимиз жуда катта маъдан-хом ашё ҳамда қишлоқ хўжалик заҳираларига, инсоний заврур имкониятларга, меҳнаткаш, қандай ишларни биладиган халққа эга. Биз, раҳбарлар, иқтисодиётимиз аввалгидек қолоқ бўлиб қолишига йўл қўя олмаймиз, бунинг натижасида халқларимизнинг турмуш даражаси кўп кўрсаткичлар бўйича умумиттифоқ даражасидан икки-уч баравар паст бўлиб қолган эди.

Шартномадан кўзда тутилган бошқа мақсад — халқларимизга муносиб турмуш бахшида этиш йўлида кучгайратларни бирлаштиришдир.

Афсуски, бундай аҳвол кўп йиллар мобайнида вужудга келди. Ўзбекистон билан Туркманистон хом ашё етказиб берар, ундан ривожланган жумҳуриятлар даромад қилишарди. Ана шу нарса уларга бозор муносабатларига ўтиш шароитида янада юксакроқ даражада ривожланишга имкон яратмоқда.

Биз шу муносабат билан ўз хом ашёмиз — ўз бойлигимиз қўлимизда бўлиши учун ҳаракат қиляпмиз ва ўз олдимизга шу вазифани қўйганмиз. Биз хом ашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришимиз ва жумҳуриятларимиз эҳтиёжини қондиришимиз керак. Бу эса барча кўрсаткичлар бўйича умумиттифоқ даражасига етиб олиш, Ўзбекистон ва Туркманистонда яшаётган кишиларнинг турмуш шароитини яхшилаш имконини беради.

Бизнинг мақсадимиз битта. Шартномани тузар эканмиз, бу мақсад — жумҳуриятларимиз мустақиллигини таъминлашдан иборат эканини яна бир бор айтамиз. Мустақилликни биз жумҳуриятлар ҳудудидаги ҳамма нарса халқларимизнинг бойлигидир, деб тушунамиз. Ва бу бойликдан энг аввало уларнинг манфаатлари йўлида фойдаланилиши керак. Барча қарорларни халқларимиз, қонун чиқарувчи ва ижроия олий идораларимиз қабул қилиши учун зарур ҳуқуқ ва шарт-шароитга эга бўлишимиз лозим. Марказга қандай ваколатлар берилиши мумкинлигини ўзимиз ҳал қилишимиз даркор. Иттифоқ идораларини ҳам жумҳуриятлар тузиши керак.

Халқаро, давлатлараро, миллатлараро муносабатлар ҳам худди шундай асосда қурилмоғи лозим. Бизнинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам халқаро ҳуқуқларимизга кафолат берилиши керак.

Бугун шартномани имзолар эканмиз, жумҳуриятларимизнинг иқтисодий, сиёсий жиҳатдан ривожланишига хизмат қиладиган ва шу тариқа келажак авлод муносиб яшаши учун барча шарт-шароитни яратадиган асосни белгилаб оляпмиз. Биз болаларимиз ва набираларимиз ҳозирги замоннинг барча қадриятларидан баҳраманд бўлишларини, мамлакатимиздаги ва хориждаги энг яхши олий ўқув юртларида билим олиш имкониятига эга бўлишларини таъминлашимиз лозим. Биз Ўзбекистонда худди шундай сиёсат юргизяпмиз ва бунинг учун маблағларни аямаяпмиз. Ўйлаймизки, бу сиёсат ўзини тўла оқлайди.

Ўзбекистон ва Туркманистон делегацияларининг бу галги учрашуви, Ўзбекистон ССР билан Туркманистон ССР ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг, шунингдек ҳукуматлараро битимнинг имзоланиши бир қанча муҳим хусусиятларга эга, деди Туркманистон Президенти С. А. Ниёзов.

Масалан, улар сиёсий, маънавий-маҳкуравий соҳаларда нималардан иборат?

Жумҳуриятларимизнинг ҳар бири ССР Иттифоқининг янгиланган таркибида мустақил давлат эканини эътироф қилади ва у ёки бу мамлакатнинг давлат мустақиллигига зарар етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан тийилиб туриш мажбуриятини олади.

Биз ҳар бир жумҳурият ўз ҳудудида тўла ҳокимиятга эга бўлиши, ҳар бир халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўзини ўзи бошқариш, ўз тараққиётининг барча масалаларини мустақил ҳал қилиш ҳуқуқи эътироф қилинниши кераклигини айтдик. Биз жумҳуриятларимизнинг ҳудудий яхлитлигини тан оламиз ва ҳурмат қиламиз, СССР доирасида ўртамизда вужудга келган давлат чегаралари дахлсиз деб ҳисоблаймиз.

Биз миллий худбинлик ва миллий тоқатсизликнинг ҳар қандай кўринишларини қаттиқ қоралаймиз, миллатлараро муносабатлардаги барча нохуш ҳолатларнинг олдини олиш ва тугатиш юзасидан ғоят таъсирчан чоратадбирлар кўриш мажбуриятини зиммамизга оламиз. Биз иқтисодий, ижтимоий, маданий муаммоларни ва миллатлараро муносабатларда вужудга келадиган бошқа муаммоларни фақат сиёсий воситалар билан ҳал қилишга ҳаракат қилишимиз хусусида келишиб олдик.

Биз давлат ва жамоат идоралари, ижодий уюшмалар, оммавий ахборот воситалари йўли билан турли усуллардан фойдаланиб, маънавий, маданий ривожланиш соҳасидаги алоқаларни бундан кейин ҳам ривожлантириш зарурлиги хусусида ўз фикрларимизни очиқ айтдик. Биз она тилларни, миллий маданиятларни сақлаш ва ривожлантириш, тарихий қадриятларни ва халқларимизнинг маданият ёдгорликларини сақлаш зарурлиги тўғрисида бир фикрга келдик. Биз икки жумҳурият ҳудудида истиқомат қилаётган миллий гуруҳларнинг этник ва диний ўзига хослигини ҳар томонлама сақлаймиз, минтақанинг миллий таркибини ҳисобга олиб, давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларида уларнинг барча даражалардаги вакиллари бўлишини таъминлаймиз.

Биз учун **иқтисодий соҳада** қуйидаги жиҳатлар жуда муҳим ҳисобланади:

Биринчидан: биз иқтисодий интеграциянинг умумий стратегияси асосида бошқариладиган бозор иқтисодиётининг тузилмалари ва омилларини шакллантириш учун иқтисодий мустақиллик негизида ва куч-ғайратларимизни бирлаштириш зарурлигини ҳисобга олиб, яқин йилларга мўлжалланган ҳукуматлараро битим туздик.

Иккинчидан: биз бозор муносабатларига ўтишни ҳисобга олиб, корхоналар, ташкилотлар ва бошқа хўжалик субъектлари ўртасида бевосита хўжалик алоқаларини сақлаш, ўрнатиш ва кенгайтиришга олиб борадиган ҳамма нарсаларга катта имконият яратдик.

Учинчидан: биз Оролбўйи атрофидаги экология вазиятини нормаллаштириш учун куч-ғайратни бирлаштиришга ҳамда Орол денгизини сақлаб қолиш ва тиклашга доир узоқ муддатга мўлжалланган Иттифоқ-жумҳурият дастурини рўёбга чиқаришда фаол қатнашишга келишиб олдик.

Икки жумҳурият халқ хўжалиги мажмуини ривожлантиришнинг, масалан, Амударё сувларидан оқилона фойдаланиш, тегишли мутахассислар тайёрлаш, Каспий денгизи соҳилида маданий-соғломлаштириш оромгоҳларини ривожлантиришнинг бошқа йирик минтақа муаммоларини ҳал этиш борасида ҳам олдимизда катта вазифалар турибди.

Ҳаммамиз жуда тез сиёсий жараёнларни, қадриятларни қайта баҳолаш, иқтисодиётдаги жиддий таназзулни бартараф этиш, бозорга ўтиш жараёнларини бошимиздан кечираяпмиз. Ана шу мураккаб ўтиш даврида биргаликдаги фаолиятнинг асосий йўналишларида биз учун ҳаракатлар бирлиги ва куч-ғайратларни мувофиқлаштириш айниқса зарур бўлиб қолди. Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР делегацияларининг бугунги учрашуви худди ана шу вазифаларга хизмат қилади. Ҳозиргина имзоланган ҳужжатлар ҳам худди шуни акс эттиради, — деди Президент.

Ҳужжатлар имзоланганидан сўнг С. А. Ниёзов ва И. А. Каримовнинг Ўзбекистон ва Туркманистон журналистлари, марказий нашрларнинг мухбирлари, ҳукумат аъзолари, Туркманистон Президенти ва Компартияси Марказий Комитети маҳкамаларининг аъзолари, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, бошқа меҳмонлар билан бўлган суҳбатида иккала жумҳурият ҳамкорлигининг асосий йўналишларига тааллуқли кўпгина масалалар ҳақида гапирилди.

С. А. Ниёзов билан И. А. Каримов иттифоқ-жумҳурият ва жумҳуриятлараро алоқаларни излашдан келиб чиқадиган бир қанча долзарб ижтимоий-сиёсий муаммолар хусусидаги ўз нуқтаи назарларини ҳам айтдилар. Улар иккала жумҳуриятнинг ўзаро муносабатларига тўхталиб, жумҳуриятларнинг жуда бой табиий-иқлим, хом ашё, маънавий имкониятлари билан шу жумҳуриятларда яшовчи аҳолининг турмуш даражаси пастлиги ўртасида вужудга келган минтақага хос муаммони таъкидлаб ўтдилар. Бу вазият, аввало, иккала қўшни халққа муносиб турмуш даражасига эришиш мақсадида куч-ғайратларни бирлаштириш чоратадбирларини кўришни тақозо этади.

Ўзбекистон ва Туркманистон Президентлари ҳозир бўлган кишиларнинг кўпданкўп саволларига жавоб қайтардилар.

Туркманистон ва Ўзбекистон Президентлари учун 21 апрель — якшанба куни янада қизғин иш куни бўлди. Шу куни яна бир ажойиб учрашув — Осиё, Африка, Европа ва Америкадаги қирқдан ортиқ мамлакатнинг СССРда жойлашган дипломатик ваколатхоналари бошлиқлари билан учрашув бўлди.

С. А. Ниёзов учрашувни очиб, бу қадар нуфузли дипломатлар делегациясини табриклар экан, меҳмонларни Туркманистон билан Ўзбекистон ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик тўғрисида Ашхободда имзоланган ҳужжатларнинг моҳиятидан хабардор қилди. Туркманистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги маъносида жумҳуриятни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳақида гапириб берди.

Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов дипломатларни машҳур ҳужжатларни имзолашдан олдин бўлган воқеалар билан таништирди, Иттифоқ шартномаси имзоланишига алоқадор масалаларни ҳал этишда устун йўналишларни аниқлаши мумкин ва лозим бўлган жумҳуриятлар ўртасидаги бевосита алоқаларга эътиборни қаратди. У меҳмонларга Ўзбекистондаги ишларнинг аҳволи ҳақида ҳам қисқача гапириб берди, юзага келган вазиятни таъкидлади. Ана шу вазиятнинг асосий мазмуни шундаки, одамларимизнинг турмуш даражаси иттифоқдаги ўртача даражадан жуда ҳам орқада қолиб кетган. Ана шу нарса ҳимоя қилиш воситаларини қўлланишга мажбур этади, улардан бири туркман халқи — абадий, садоқатли ва дўст қўшнимиз билан кучғайратларни бирлаштиришдир.

Шундан сўнг меҳмонлар савол бера бошлашди. С. А. Ниёзов ва И. А. Каримов бу саволларга жавоб қайтаришар экан, дипломатларнинг икки жумҳурият мустақиллигининг ўзига хос хусусияти тўғрисидаги тасаввурларига ойдинлик киритдилар, халқаро майдонга иқтисодий жиҳатдан кенг қулоч ёйган ҳолда чиқиш ана шу ўзига хосликнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Учрашувда ҳозир бўлган дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари жумҳуриятлар билан марказ ўртасида алоқалар ўрнатиш омилларига тааллуқли масалаларга катта қизиқиш билдирдилар.

Меҳмонлар номидан сўзга чиққан Сенегалнинг СССРдаги элчиси жаноб Паскаль Антуан Сане — Москвадаги дипломатия корпуси раҳбари С. А. Ниёзовга дипломатларга туркман диёрида кўрсатилган самимият ва меҳмондўстлик учун чин қалбдан ташаккур билдирди.

Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги ҳамкорлик ва дўстлик ҳақидаги ҳужжатлар имзоланиши ҳаётимизнинг ҳеч бир соҳасини четлаб ўтмаяпти. Ҳаётимизнинг ҳеч бир соҳасини четлаб ўтмаяпти. Ҳаётимизнинг ҳеч бир соҳасини четлаб ўтмаяпти.

Святослав ФЕНЮТИН,
ЎзТАГ махсус мухбири,
Людмила ГЛАЗОВСКАЯ ва Геннадий ОСИПОВ,
Туркманинформ мухбирлари.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ПАПАРИҚ

Қорачатоғ ёнбағрида жойлашган «Соҳибкор» давлат хўжалиги боғбонлари жорий йилда эл дастурхонига сарҳил узум ва мева етказиб беришга аҳд қилишган. Абдуғани Узаров, Мамат Ҳусанов, Жўра Ҳидиров, Ашурбой Қурбонов бошлиқ оилавий звеноларда токларни озиқлантириш ҳамда мевали дарахт ораларига ишлов бериш каби юмушлар сифатли бажарилмоқда. Соҳибкорлар мавжуд 300 гектар токзор ва 200 гектардан зиёд боғда режада белгиланганидан зиёд қора кишмиш ва мева етиштиришни кўзда тутишаяпти.

С. ҲОЛИҚУЛОВ.

* * *

ЎРТА ЧИРЧИҚ

Баҳорнинг ҳар дамини ғанимат билган Ленин номли жамоа хўжалиги пахтакорлари чигит экишни ўн иш кунида ниҳоясига етказишди. Заршунослар амалдаги йилда 900 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27 центнерлик ҳосил олишмоқчи. Хўжаликда муҳим тадбирни биринчилар қаторида тугаллаган Алижон Умирзоқов бошлиқ бригада далаларида уруғ бир текисда униб чиқди. Кунни кеча Зокир Умирзоқов ва Тўрақул Айнтбековлар ғўза бўй кўрсатган пайкалларга чопиқ тракторларини олиб чиқдилар. Меҳнат жамоасида экишга дастлабки ишлов бериш бошлаб юборилди.

У. МУҲАМЕДОВ.

Жиззах районидаги «Коммунизм» давлат хўжалигининг Файзи Исмоилов бошлиқ бригадаси аъзолари беш гектар майдонда етиштирилган суданканинг биринчи ўримини жадал олиб бормоқдалар. Ҳар гектар ердан 120 центнердан кўкпоя олинаяпти.

СУРАТЛАРДА: 1. Хўжаликнинг бош ҳосилоти Э. Дўмаев ва бригада етакчиси Ф. Исмоилов. 2. Ўрим пайти.

П. ЭРГАШЕВ олган суратлар.

ПАРВАРИШ ҚИЗҒИН

Баҳорнинг бир куни йилга татийди. Бу бежиз айтилмаган, албатта. Эл-юрт маъмурчилиги, дастурхон тўкин-сочинлигига айни шу дамларда пойдевор қўйилади. Буни дилдан ҳис этган Наманган райони деҳқонлари ғанимат кунларнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланишаяпти.

Районда экиш-тикиш ишлари оби-тобида олиб борилмоқда. Маккажўхорикорлар дон олиш мақсадида 543 гектар майдонга уруғ қадашди. «Коммунизм», «Ленинград», Оржоникидзе номли, Тельман номли жамоа хўжаликларида бу иш тез ва соз ниҳоясига етказилди. Айни дамда қаҳрабо дон бунёдкорлари бир текис униб чиққан кўчатлар қатор ораларига дастлабки ишлов беришни бошлаб юбордилар.

Картошкачилик кейинги йилларда ривож топаяпти. Ўтган йили районда бу соҳа режалари знёда уддаланган эди. Бундан руҳланган омилкорлар эрта баҳордаёқ 48 гектар майдонни экишга ҳозирлаб, картошка уруғини қадашди. Охунбобоев номли, Дзержинский номли, «Коммунизм» жамоа хўжаликларининг деҳқонлари шу тур маҳсулот етиштиришни ўз зиммаларига олдилар. Бу йил мавжуд майдонлардан 216 тонна сара картошка йиғиштириб олиш кўзда тутилаяпти. Экинга ишлов берилмоқда.

Районда чорвачиликни фойдали соҳага айлантириш имконияти бор. Пода ва отарлар сифат жиҳатдан яхшиланган. Маҳсулдорликни янада оширишнинг бирдан бир йўли — мўл-кўл озуқа базасини вужудга келтиришдан иборат. Бу борада ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилаяпти. Озуқа экинларни экиладиган майдонлар кенгайтирилди. Озуқакорлар 103 гектар майдонга қизилча экишди. Мазкур тўйимли озуқадан мўл ҳосил олишда етарли тажриба тўплаган Ленин номли, Дзержинский номли, «Партия XXII съезди» жамоа хўжаликларида экин парваришига алоҳида аҳамият берилаяпти.

Пахтакору сабзавоткорлар, боғбону соҳибкорларнинг шу кунларда қўли қўлига тегмайди. Бир пайкалга барака уруғи қадалаётган бўлса, иккинчисида сабзавот экинларига ишлов берилмоқда. Токларни, дарахтларни озиқлантириш авжида. Бир гап билан айтганда, деҳқон далада кўламни ўз меҳнати билан кўркам қилишга интилаяпти.

А. ҚОРАБОЕВ.

ЧЎЛҚУВАРЛАР ҒАЙРАТИ

Далаларда кўклам кезмоқда. Чор-атрофда қушлар навоси. Қоқи ўтнинг ҳиди димоқни қитиқлайди. Айнан шу дамда ерга тушган уруғ тез кўкариб чиқади. Ульянов райони пахтакорлари экиш суръатини тобора оширмоқдалар. Заршунослар ерга уруғ ташлаш билан бирга пайкалларга гербицид ҳам сепишаяпти. Намгарчилик кўп бўлаётган ҳозирги шароитда бу усулдан фойдаланилмаса, бегона ўтлар кўпайиб, экин озуқасига шерик бўлади. Бу эса ниҳоллар ривожининг сусайишига ҳамда ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келади.

Райондаги «Қашқадарё», «Москва», «Ўзбекистон комсомоли 50 йиллиги», «Пахтакор» давлат хўжаликларининг деҳқонлари мавсумда пешқадамлик қилишаяпти. Уларда экиш агрегатлари унум билан ишлатилмоқда. Ҳар куни 180—200 гектар майдонга уруғ тушаётир. Бултур давлатга 7903 тонна оқ олтин топшириб, ҳосилдорликни гектар бошига 28 центнерга етказган «Партия XX съезди» совхози далаларида чигит экиш ниҳоясига етай деб қолди. Мавсумга ҳар томонлама пухта тараддуд кўрган хўжалик пахтакорлари 40 та экиш агрегатини далага чиқаришган. Механизатор ва селкачилар ўзаро мусобақа асосида меҳнат қилишаяпти. Уларнинг ғайрат-шижоати туфайли кунига хўжаликнинг 290 гектаридан знёд майдонга экинга дастлабки ишлов берилмоқда.

— Бу йил 2.800 гектар майдонда пахта етиштирамиз. Асосий пайкалларга «Т—16» навли чигит қадаляпти. Қолган ерга эса синовдан ўтган «Юлдуз», «Ф—108» навли пахта етиштириш режалаштирилган, — деди хўжалик директори Зикрнё Асроров.

Зулайҳо Қаюмова бошлиқ бригада майдонлари Олтинкўл массивида жойлашган. Тупроғи серунум, меҳнат қилган деҳқон кам бўлмайди. Чўлқуварлар уч йилдан буён ана шу массивда деҳқончилик қилишаяпти. Ўтган йили ҳар гектар ердан 31,7 центнерлик ҳосил олишди. Заршуносларнинг бу йилги режалари катта. Ҳосилдорликни 35 центнердан ошириб, давлатга 250 тонна сифатли хом ашё топширишмоқчи. Бу йил 72 гектар майдоннинг ҳаммасига ипак пахтанинг чўл шароитига мослашган, сувсизлиққа чидамли «Т—16» нави экилди.

Муҳим тадбир райондаги «Қашқадарё» давлат хўжалигида ҳам жадал суръатда олиб борилаётир. Дастлабки кунлари совхознинг 35—40 гектар ернга чигит экилган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 180—200 гектарни ташкил этмоқда. Суғорилган пайкаллар етилиши билан экиш агрегатлари тўлиқ ишга туширилди. Барака уруғи қадашни қулай муддатда амалга ошираётган бригадаларда қувончли натижаларни қўлга киритишди. Знёд Равшанов бошлиқ меҳнат жамоаси бу борада пешқадам. Механизатор Ражаб Равшанов ҳар куни бригаданинг 8—10 гектар майдонига чигит экаяпти.

Райондаги Дзержинский номли, «Ғалаба», «СССР 60 йиллиги» давлат хўжаликларида ҳам мавсум кўнгилдагидек ўтказилаяпти.

Ж. ЮСУПОВ.

ЭЛ-ЮРТ ОЛДИДАГИ ҚАРЗ

Қ. ХОЛМИРЗАЕВ,
Ўзбекистон Компартияси Андижон вилоят комитетининг биринчи котиби, вилоят Кенгаши раиси

Вилоят партия ташкилоти эски услубдан воз кечиб, омманинг мутлақ ишончини қозониш юзасидан аниқ тадбирларни амалга оширмоқда. Оммавий-сиёсий, ғоявий-тарбиявий ишлар янги поғонага кўтарилаяпти. Кадрларга ғамхўр ва талабчан бўлиш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, бошланғич ташкилотлар нуфузини ошириш фаолиятимизнинг бош мезони. Ўтган йили меҳнат жамоаларида тадбирларнинг асосий йўналиши инсон омилига қаратилди. Жумҳурият Президентининг ҳаётбахш фармонлари меҳнаткашлар турмуш шароитини яхшилаш, муаммоларни ҳал этишда муҳим омил бўлди.

1990 йилда андижонликлар давлатга 444 минг тонна пахта топширдилар. Характерлиси шуки, кейинги беш йил мобайнида биринчи марта режа ошириб бажарилди. Қолоқликдан қандай қилиб чиқилди, деган савол туғилиши табиий. Юқорида қайд этилганларга қуйидагиларни қўшимча қиламан. Хўжаликларнинг раҳбар ва мутахассисларига тўла эркинлик берилди. Бошланғич партия ташкилоти котибларининг обрў-эътибори оширилди. Уларнинг меҳнати юксак даражада қадрланди. Ҳал қилувчи бўғинлар ишбилармон, эътиқодли, ташаббускор коммунистлар ҳисобига мустаҳкамланди. Вилоят партия комитети социал адолат принципига қатъий амал қилаяпти. Бир вақтлар ноҳақ жабрланган, эгаллаб турган вазифасидан ноўрин бўшатилганлар тақдирига адолат юзасидан ёндашилди. Дала ва боғлардаги юмушларни амалга оширишда тажрибакорлар маслаҳатига қулоқ тутилди. Чигит асосан пуштага экилди. Пахтани эрта етилтириш, ҳосилни қисқа вақт ичида йиғиштириб олишда коммунистлар, халқ депутатлари алоҳида жонбозлик кўрсатдилар.

Пахта майдонлари жами 16 минг гектарга қисқартирилганлигига қарамай пахтачиликдан 450 миллион сўм даромад олинди. Бу бурноғи йилга нисбатан 50 миллион сўм кўпдир. Қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам илдам қадамлар қўйилди. Ҳар жойнинг ўз тошу тарозиси бор, дейишади. Аҳоли зич жойлашган бизнинг шароитда ҳисоб-китоб, омилкорлик билан иш юритиш зарур. Ишсизларни ижтимоий меҳнатга жалб этиш ҳам кўнгилдагидек бўляпти. Шу ниятда ёрдамчи хўжаликлар ривожлантирилмоқда. Оҳақ, ғишт ишлаб чиқариш, консерва тайёрлаш, атлас тўқиш цехлари ишга туширилмоқда. Маиший хизмат шохобчалари кенгайтириляпти. Тегирмон, обжувоз, мойжувозлар ҳам қайта тикланаяпти. Сўнгги икки йил ичида вилоятимизда 52 та консерва цехи қурилди. 13 та районда саноат комбинатлари ишга тушди. Ҳозирги кунда уларда 2 мингдан зиёд киши ишлаяпти. 1990 йилда ана шу комбинатларда 5,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Ҳаёт олдимизга янги-янги муаммоларни қўймоқда. Бизни ўйлантираётгани ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулотни қайта ишлаш ва сифатли сақлашдир. Негаки, шу вақтгача пешона тер эвазига етиштирилган ноз-неъматнинг 30—40 фоизи хўжасизлик оқибатида исроф бўлмоқда. Нобудгарчиликнинг олдини олиш мақсадида колхоз ва совхозларнинг ўзида консерва ва қайта ишлаш цехлари очиляпти.

Ташқи иқтисодий алоқалар, жумладан, чет эл фирмалари билан ҳамкорлик ҳам кучаяпти. Жумҳурият Президенти И. А. Каримов ва Қирғизистон Президенти А. А. Акаев ҳар иккала жумҳурият ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида имзолаган шартнома вилоятимиз меҳнаткашлари томонидан мамнуният билан кутиб олинди. Дўстлик, ҳамжиҳатлик самаралари ҳозирданоқ сезилмоқда.

Қишлоқларимизнинг бугуни ва эртаси ҳақида ўйлар эканмиз, ҳали азамат деҳқонларимиз олдида ғоят қарздор эканлигимизни ҳис қиламиз. Икки йил ичида 479 километр сув, 800 километр газ тармоқлари ўтказишимиз керак. Бироқ қурилиш материалларининг танқислиги тараққиётга тўғаноқ бўлмоқда. Натижада бошқа минтақалар билан алоқа ўрнатиб, айирбошлаш ҳисобига қувурлар ва бошқа қурилиш материаллари келтириляпти.

Сўнгги йилларда кўпгина районларда боғлар кенгайди. Минг-минглаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Бироқ боғлар ҳосилдорлиги қониқарли эмас. Аввало тажрибали мутахассислар етишмаяпти. Андижон пахтачилик институтида боғбонлар тайёрлайдиган куллиёт ёки алоҳида техникум очилганида зап иш бўларди. Шунингдек, консерва тайёрлашга ихтисослашган мутахассисларни тарбиялашга эътиборни кучайтириш керак.

Яна бир долзарб муаммо хусусида. Равшанки, пахтакорларга ҳақ тўлашда зона усули бекор қилинди. Шундай экан, энди иқтисодчилар ғоят мураккаб шароитда пахта етиштираётган деҳқонлар меҳнатини муносиб қадрлаш усулини пухта ишлаб чиқишлари керак. Аҳолида ёрдамчи хўжаликларни кенгайтириш, мол боқишга қизиқиш катта. Озуқа масаласи эса ўткирлигича қолмоқда. Аҳоли сони тез ўсиб бораётганлиги қўшимча қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Таклиф қиламиз: жумҳуриятда ишлаб чиқарилаётган шелуха, қунжаранинг асосий қисми ўзимизда қолдирилсин. Аҳоли ёрдамчи хўжаликлари уюшмаларига 1 миллиард сўм маблағ ажратиш ҳақидаги Президент фармони шу соҳадаги кўплаб мушкулотларни ҳал этади. Вилоятимизда 19 минг гектардан зиёд унумдор ер томорқа ва шахсий уй-жой қуриш учун ажратилди. 200 мингдан ортиқ оила бундан манфаатдор бўлди.

Республика раҳбариятининг умуминсоний қадриятларни тиклаш, меҳнат кишисига ғамхўрлик кўрсатиш, одамларни ижтимоий жиҳатдан муҳофазалаш юзасидан ўтказаётган сиёсати халқимиз руҳини кўтармоқда. Ҳаракат дастури асосида қишлоқларда обод гузарлар барпо этиляпти. Ёрдамга муҳтож оилалар ҳимояга олинган. Марказий шаҳарларда ўқиётган талабаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилмоқда.

Тошкент районидаги «Ленин йўли» жамоа хўжалиги иссиқхонаси сабзавоткорлари қишин-ёзин пойтахтимиз аҳолиси дастурхонига ноз-неъматлар етказиб беришади. Шу кунларда сабзавоткорларнинг қўли-қўлига тегмайди. Редиска, карам, бодринг, помидор ва қўқатлар пешма-пеш шаҳарликларга жўнатилмоқда. Бунда илғор колхозчи Ақида Раҳимова ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда. У ҳар квадрат метрдан 25 килограммдан бодринг олиш ниятида меҳнат қилаётир.

СУРАТДА: пешқадам сабзавоткор А. Раҳимова.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

БЕБАҲО ХАЗИНА

У. ҚУРБОНОВ,
Қамаши районидаги «СССР 50 йиллиги» жамоа хўжалиги бригадири

Эсимни танибманки пахтанинг муқаддас ташвишлари билан яшайман. Хўжалигимиз деҳқонлари мана шу қимматли хом ашё асосий даромад манбаи, фахримиз, ғуруримиз эканлигини қалбдан ҳис қилишади. Ҳамиша, ҳар қандай шароитда касбкорга содиқ қолишади. Сўнгги вақтларда пахта яккаҳокимлиги келтирган нохуш оқибатлар пахтачиликдан деб нотўғри тарғибот юритувчилар пайдо бўлди. Бу гапларнинг мағзи пучлигига шубҳа йўқ. Ўзингиз ўйланг, жумҳуриятимиз аксарият колхоз ва совхозлари оқ олтин етиштиришга ихтисослашган. Агар омилкорлик, уюшқоқлик билан иш юритилса тармоқдан мўмай даромад олиш мумкин. Масалан, ўтган йили хўжалигимиз заршунослари мавжуд имкониятдан, ғанимат дамлардан оқилона фойдаландилар. Техникага эътибор кучайди. Йиллик режа қисқа муддатда бажарилди. Ҳар гектар пахта майдонидан 6 минг сўмдан даромад қилдик. Ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш имконияти яратилди.

Ўтмишда пахта яккаҳокимлиги тараққиётга тўғаноқ бўлганлиги ҳақ гап. Бир мисол. Бизда сабзавотчилик, боғдорчилик ҳам ривожланаяпти. Йилига гектарига 10 минг сўмдан ошириб даромад қилиш мумкин. Афсуски пахтачиликка ихтисослашган район, хўжалик деб, биронта қайта ишлаш корхонаси қурилмаган. Шунинг оқибатида боғларимизда етиштирилган неъматнинг 40—50 фоизи нобуд бўлмоқда. Қайта қуриш барчанинг кўзини очди. Эндиликда деҳқонларимиз қишлоқларда цехлар, кичик завод ва фабрикалар қуриш кераклигини қатъий талаб қилишмоқда. Биз ўзимиз етиштирган маҳсулотга ўзимиз хўжайин бўлиб, жаҳон бозорига чиқсак, хорижий давлатлар билан алоқа боғлаб, керакли технологик мосламаларни сотиб олсак, деб орзу қиламиз.

Хўжалигимиз ҳар йили давлатга 10 тонна атрофида пилла топширади. Одамлар моддий жиҳатдан манфаатдор бўлса, 20—25 тонна кумуш тола етиштириш мумкин. Режадагидан ортиқчасини ўзимизда қайта ишласак, опа-сингилларимиз учун атлас тўқисак қандай яхши.

Ер—бебаҳо бойлик. Уни асраб-авайлаш, унумдорлигини ошириш бурчимиз. Афсуски унинг умрини бекор ўтказаётганлар йўқ эмас. Фикримча томорқа хўжаликларидан қандай фойдаланилаётганлигини қатъий назорат остига олиш керак. Кези келганда барчани диққат қилаётган яна бир масала хусусида тўхталмоқчиман. Демократия ва ошкораликни ниқоб қилиб олган баъзи кимсалар қишлоқлар, хўжаликлар аҳолиси ўртасида ер можаросини келтириб чиқаришмоқда. Мақсадлари аниқ: янги хўжалик тузиб, ўз ҳукмларини юритиш ёки жамоа ерлари, яйловлардан манфаатлари йўлида фойдаланиш. Бу каби камчиликлар туфайли одамлар ишдан чалғишаяпти, соғлом муҳитга путур етмоқда. Район раҳбарлари вазиятга тўғри баҳо бериб, омма ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Муаммолар жойида ҳал этилаяпти. Йил бошида халқ депутатлари вилоят Кенгаши раёсатида депутатлар масалани кўндаланг қўйиб, Ўзбекистон ССРнинг Ер тўғрисидаги қонуни асосида колхозлар колхозга, совхозлар совхозга ер олиб бериш ёки ўзини иқтисодий жиҳатдан эплай олмайдиган кичик хўжаликлар тузишга чек қўйиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

ТАҚЧИЛЛИК ДАВОСИ, ТЎКИНЛИК

ПИЛЛАКОР АҲДИ

Пилласи борнинг тилласи бўлади, дейди халқимиз. Буни Иштихон районидаги Мурод Жўраев номли жамоа хўжалиги қумуш тола ижодкорлари яхши билишади. Шу боис фан ютуқлари, илғорлар тажрибаси, янгича усуллар соҳага изчил жорий этилмоқда. Сўнгги икки йил ичида тутзорлар кенгайтирилиб, мустаҳкам озуқа базаси яратилди.

Илғор пиллакорлар ҳақида гап кетганида Адашой Эшқувватованинг номи биринчилар қаторида тилга олинади. Унинг энг яхши фазилати эришилган натижалар билан кифояланмайди, умуммуваффақият ҳақида қайғуради. Ташаббускор пиллакор ўтган йили юқори натижага эришди. Ҳар қути қурт уруғидан 100 килограммдан қумуш тола топширди.

— Бу йилги мавсумга ҳам пухта тайёргарлик кўрдик, — дейди пиллакор. — Хом ашёнинг харид нархи оширилганлиги ҳамкасбларим кайфиятини кўтарди. Улар зиммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилишди. 1 килограмм олий нав пилла учун 25 сўм 80 тийин, биринчи нави учун эса 24 сўм тўланади. Демак, эндликда яхшигина даромад қилиш мумкин. Лекин бир нарса мени ташвишга солади. Йиллар мобайнида пилла деб балхи ва марварид тутларни ҳам каллаклаб келдик. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Паст Дарғом, Хатирчи, Нарпай районларида бебаҳо дарахтлар аёвсиз кесилди. Хўжасизликка, бир ёқламаликка қатъий барҳам бериш керак.

Адашой Эшқувватова Пахтачи, Каттақўрғон районлари пиллачилари тажрибаларини қунт билан ўрганди, беш нафар лаёқатли шогирд тайёрлади. Нияти бу йил ҳар қути қурт уруғидан 105 килограммдан қимматли хом ашё топширишдир.

НУҚТАИ НАЗАР

НОБУДГАРЧИЛИК—НОШУДЛИК

Хизмат бурчи билан азим Тошкентга келганимда бозорларни айландим. Бир килограмм энг яхши олма 7—8 сўм, нок—14 сўм, узум — 15 сўм. Яширмайман, юртимизда меванинг нархи шу даражада кўтарилади, деб сира ўйламагандим. Ўзимча фикр қиламан: ношудлигимиз, уқувсизлигимиз туфайли заминимизда етиштирилган қанчадан-қанча ноз-неъмат нобуд бўлади. Уларни вақтида сифатли йиғиштириб, қайта ишлаб, моҳирона сақлай билганимизда дастурхонимиз тўкинсочин бўларди.

Сўнгги йилларда хўжаликларимизда мева, сабзавот етиштиришга эътибор сусайди. Баъзилар ҳамон асосий эътиборни пахтага қаратишаяпти. Республика қишлоқ хўжалиги ходимлари қурултойида таъкидланганидек, ернинг умри зое ўтаётган колхоз ва совхозлар оз эмас. Бунинг устига қайта ишлаш корхоналаридаги асбоб-ускуналар эскириб, ишдан чиқиб қолмоқда. Арзимаган эҳтиёт қисм йўқлиги сабабли қудратли машина-механизмлар бекор турибди. Деҳқонни ҳам, қайта ишлаш саноати ходимларини ҳам бир нарса ҳайратга солади. Йиллар мобайнида пишиқчилик кезларида яшчиклар, шиша идишлар етишмаётганлиги оқибатида ноз-неъмат нобуд бўлаётганлиги ҳақида гап-сўзлар бўляпти. Нуфузли йиғилишларда бу каби етилган муаммоларни ҳал қилиш юзасидан тадбирлар белгиланаётганлигига қарамай ишда силжиш йўқ. Бу алпозда мақсадга эришиш ҳақида қандай гап бўлиши мумкин.

Планлаштиришдаги чалкашликлар, идоралар ўртасидаги келишмовчиликлар тараққиётга тўғаноқ бўлиб келди. Равшанки, республика мева-сабзавотчилик вазирлиги тугатилгандан сўнг 1989 йилга келиб у республика давлат кооператив бирлашмасига айлантирилди. Ана шу давр ичида мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилган колхоз ва совхозлар эгасиз қолиб кетди. Ўз-ўзидан моддий техника таъминоти ишдан чиқди. Мавжуд корхоналарни қайта қуриш ва жиҳозлаш учун маблағлар ажратилмай қўйди. Бир қатор ихтисослашган совхозлар бошқа хўжаликларга қўшиб юборилди. Оқибат натижада халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим роль ўйнаши лозим бўлган соҳа иккинчи даражага айланиб қолди.

Жумҳурият Президентининг ҳаётбахш фармонлари камчиликларни бартараф этиш, ноз-неъмат етиштириши кўпайтириш имконини бермоқда. Жумладан, «Узплодоовощпром» давлат-кооператив концерни тузилганлиги фикримизнинг далилидир. Унга мева-сабзавотчиликка ихтисослашган хўжаликлар, совхоз-заводлар, консерва, вино саноати корхоналари, тайёрлов ташкилотлари киради. Энди сабоқлардан хулоса чиқариб, зўр омилкорлик, ташкилотчилик кўрсатиб ишлаш керак, холос. Шу ўринда қуйидаги таклифларимиз бор: вазирлигимиз қайта ишлаш корхоналарини ускуналар билан таъминлаш, борларини таъмирлаш, чет эл мамлакатлари билан савдо-сотиқни йўлга қўйиш ҳақида алоҳида бош қотириши керак. Бозор муносабати билан аксарият хўжаликларнинг деҳқонлари иложи борича эртаги сабзавот маҳсулотларни етиштиришга зўр беришаяпти. Ўртаги маҳсулот етиштириш эса эътибордан четда бўлмоқда. Демоқчиманки, неъматларни белгиланган режа асосида етиштириш, истеъмолчиларга сифатли қилиб етказиб бериш ҳам долзарб масалалардир. Акс ҳолда тайёрлаш ташкилотлари, қайта ишлаш корхоналари мушкул аҳволда қоладилар. Консерва заводлари эшигида помидорлар ортилган машиналар турнақатор тизилиб кетиши, маҳсулотнинг исроф бўлиши худди ана шу камчилик оқибатидир.

Корхонамиз ишчи ва хизматчилари ўтган йили 114 миллион шартли банка мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқиб, режани зиёдаси билан адо этдилар. Меҳнат унумдорлиги сезиларли даражада ошди, белгиланганидан миллион сўмга яқин қўшимча даромад олинди. Биз деҳқонлар билан ҳамжиҳатликда меҳнат қилиб, халқимиз дастурхонини тўкин-сочин қилиш учун қўлимиздан келган барча ишни қиламиз.

Ф. НАЗАРОВ,
Самарқанддаги «Серп и Молот» консерва комбинатининг цех бошлиғи.

УЧ ДИЛНИНГ УЧ ДАРДИ

М. ҚУЛДОШЕВА,
Охунбобоев районидаги Фрунзе номли жамоа хўжалиги сигир соғувчиси

Сўнгги йилларда жамоат чорвачилигига бўлган муносабат яхши томонга ўзгарди. Президентимиз фармонига мувофиқ шу кунгача жами аҳолига 600 бошдан зиёд қорамол, 4.500 қўй, 11.200 та парранда, шунингдек 3.700 тонна дағал хашак, 1.300 тонна ширали озуқа сотилди. 900 гектар пахта майдони қисқартирилиб, шундан 600 гектарида чорва учун емиш етиштирилаяпти.

Касбимни чин дилдан севаман. Ўтган йили ҳар сигирдан 3.000 килограммдан сут соғиб олдим. Бу йилги ният 3.300 килограмм. Бироқ тармоқда ҳали жиддий камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар бор. Ўтган йиллар мобайнида баъзи раҳбар ва мутахассисларнинг совуққонлиги туфайли район бўйича 1.200 бошдан зиёд сигир ҳамда ғунажин касалланиб, мажбурий равишда гўштга топширилди. Ўзингиз ўйланг, бир бузоқни парваришлаб, маҳсулдор сигирлар қаторига қўшгунимизча қанча куч, маблағ сарфланади. Бозор иқтисодиёти, омилкор, тежамкор бўлайлик, деб кўп гапираяпмиз амалда эса лоқайдлик, ўзибўларчилик касалидан қутулолмаяпмиз. Ўйласам юрагим ачишади. 1.200 бош қорамолнинг мажбурий равишда қушхонага топширилиши қанчалик қимматга тушди, ахир. Бу кетишда қачон бой бўламизу, қачон хўжалик юритишни ўрганамиз.

Янгича талаб бўйича юқори нархда давлатга сут топшириш учун совутиш ускуналари, соғиш аппаратлари ҳамда эҳтиёт қисмлар етарли бўлиши керак. Лекин арзимаган мурватнинг етишмаслиги сабабли қанчадан-қанча маблағ сарфлаб келтирилган асбоб-ускуналар ишлатилмай ҳанг босиб ётибди. Яқдил хулоса шундай: моллар касалланишининг олди олиниб, мустаҳкам озуқа базаси яратилмас экан, чорвачиликни сердаромад соҳага айлантириш мумкин эмас. Сигир соғувчиларнинг дам олиши, маданий ҳордиқ чиқаришлари учун амалда ғамхўрлик қилиш керак.

Б. СОБИРОВ,
Янгиариқ районидаги Киров номли жамоа хўжалиги механизатори

Ўтган йили машинада 235 тонна пахта теришга эришдим. Хосиятли касбни ардоқлаб, эл-юрт назарига тушганимдан бошим осмонда. Ваъдани дўндириб, одамларга азиз бўлиб яшаганга не етсин. Заршуносларимиз оғир шароитда дур ундиришади. Ерлар ўта шўрланган. Баъзида ичимлик сув муаммо. Яхши ҳосил оламан деган деҳқон тинним билмай ишлаши, омилкорлик, қатъиятлик кўрсатиши керак. Яширмайман, баъзида азойи баданимда қаттиқ чарчоқ сезаман. Айниқса саратонда ғўза парваришлашнинг ўзи бўлмайди. Фақат пахтага бўлган ихлос, байналмилал бурч масъулияти қийинчиликларга кўз юмиб ишлашга ундайди.

Ўтган йили хўжалигимизда ҳосилдорлик гектарига беш центнер ошди. Асосий ҳосил техника ёрдамида саранжомланганлиги сабабли даромад кутилгандан зиёд бўлди. Ҳозирги кунда ўзаро талабчанликни ошириб, сўнгги гектардарга чигит қадаяпмиз. Бизни қийнаётган муаммолар жуда кўп. Аввало ғўзаларни зараркунандалардан асраш кўнгилдагидек эмас. Шу боис ҳар йили гектарига камида икки центнер ҳосилни бой бераяпмиз. Қишлоқ хўжалигига фан-техника ютуқларини жорий этиш ҳақида кўп гапиришади. Аммо ишлаб чиқаришда ҳозирча бунч унча сезмаяпмиз. Эсимни танибманки Т—28х4 маркали тракторларда қатор ораларига ишлов берамиз. Унинг қуввати кам, техникани мавсумга тайёрлаш минг азоб билан амалга оширилади. Баъзида арзимаган эҳтиёт қисмни қидириб, оворан сарсон бўламиз. Устахонлардаги аҳвол, етишмовчиликлар, механизаторларнинг эътирозлари раҳбарларга маълум. Шундай бўлса-да, арзимаган муаммо йиллар мобайнида ҳал бўлмай келаяпти. Ахир, пахтакор учун керагини муҳаё қилиш ҳам қарз, ҳам фарзку?!

Г. СЛОБОДЧИКОВА,
Оқолтин районидаги «СССР 60 йиллиги» давлат хўжалиги паррандабоқари

Йигирма уч йилдан буён шу совхозда яшаб, меҳнат қилиб келаяпман. Чўлни ўзлаштириш, халқимизга ноз-неъмат етказиб бериш ишига ҳисса қўшаётганлигимдан мамнунман. Мана шу замин, унинг оқ кўнгил, меҳнатсевар, ҳамиша беминнат ёрдамга тайёр турувчи одамлари қалбимга ғоят яқин. Оғир дамларда қўллаб-қувватлаган меҳри дарёларни асло унутмайман. Ўзбекларнинг урф-одатлари, турмуш тарзини яхши ўзлаштириб олганман. Тўю маъракаларда иштирок этаман. Ҳудди шу дўстлик, ҳамжиҳатлик туфайли ўтган йили хўжаликда туб бурилиш бўлди. Асосий соҳалар бўйича қабул қилинган режалар зиёдаси билан бажарилди. Шу ўринда район партия комитетининг оммага моҳирлик билан бошчилик қилаётганини таъкидлашни истардим.

Паррандачилик фермасида ўн олти йилдан буён ишлаяпман. Шароит яхши деб мақтанолмаймиз. Айниқса аралаш емни етказиб беришдаги узилишлар, келишмовчиликлар жонимизга тегди. Сўнгги даврларда хотиржам ишлаганимни билмайман. Ахир минг-минг парранда емишсиз ётса, режалар бажарилмаса, моддий манфаатдорликнинг тайини бўлмаса, кайфият ҳақида қандай гап бўлиши мумкин. Тармоқдаги аҳвол яхши маълум. Фикримча давлатга кўз тикиб ўтирмай ўзимизни-ўзимиз озуқа билан тўла таъминлашга эришишимиз керак. Ер бор, ишчи кучи ҳам топилади. Фақат фидойи меҳнат, иштиёқ зарур. Нуфузли йиғилишларда гапираверириб чарчаганман. Паррандачиликда яхши мутахассислар жуда кам. Ихлос билан фермага ишга келганларни эса лозим даражада талаби қондирилмайди.

Яхши тушунаман, талаб қилишдан олдин имкониятни, хўжалик чўнтагида маблағ бор-йўқлигини ҳисобга олиш керак. Ўтган йили совхоз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан катта даромад олди. Энди паррандабоқарлар талабини қондириш, муаммоларини ҳал этиш имконияти яратилди. Бу ёғи раҳбару мутахассисларнинг бизни қанчалик тўғри тушунишларига боғлиқ.

ҚАДДИНГНИ ТУТ, БОБО ДЕҲҚОНИМ!

ЁЗУВЧИ ЎЙЛАРИ

Пиримқул ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Она қишлоқларимиз, ноз-неъмат бунёдкорлари ҳақида ўйлаганимда қалбимга маъсумлик югуради. Мана шу меҳнатсевар, оқ кўнгил, болажон кишилар олдида қанчалик қарздор эканлигимизни ҳис қиламан. Қайта қуриш шарофати туфайли ноз-неъмат бунёдкорларининг кўксига шамол тегди, меҳнатлари қадр топа бошлади. Таъкидлаш керак, адолатга ташна халқ аввало деҳқонлар эди. Йигирманчи-ўттизинчи йилларда уларнинг пешона тери эвазига орттирилган мулклари ғайри қонуний тарзда тортиб олинди. Ўн минглаб қишлоқ кишилари хонавайрон қилиниб, қаҳратон совуқларда шимолий ўлкаларга бадарга этилди. Уларнинг қанчадан-қанчаси очлик ва адолатсизлик қурбони бўлдилар. Эндиликда буларнинг ҳаммаси шафқатсиз тоталитар системанинг айби билан содир этилганлигини олий даргоҳлар ҳам тан олмоқда. СССР Президентининг фармонига кўра ўша машаққатли кезларда қатағон қилинган кўплаб деҳқонлар оммавий тарзда оқландилар. Азиз аждодларимизнинг 50—60 йил кейин бўлса-да, юзлари ёруғ бўлиб, руҳлари шодланганлиги, жигарбандлари Наврўз тонги каби саду пок бўлганлиги қалбларга таскин беради.

Ҳа, азамат деҳқон қаддини тикламоқда. Шу ўринда ҳазрат Навоий «Махбуб-ул қулуб» асарида нималар деганини эслатмоқчиман: «Деҳқонлар дона сочар, ерни ёрмоқ (яъни ҳайдамоқ) билан ризқ йўлини очар. Оламнинг маъмурлиги деҳқонлардир. Алар ҳар қаён қилсалар ҳаракат, элга ҳам қут еткарур, ҳам баракат».

Беш юз йил аввал ёзилган бу пуркҳикмат сўзлар ҳозирги иқтисодий танглик шароитида алоҳида бир ургу билан жаранглайди. Демак, дастурхонимиз тўкин бўлсин десак ноз-неъмат бунёдкорини ардоқлашимиз, унинг унумли меҳнат қилиб, кўнгилли дам олиши учун шароит муҳайё этилиши лозим. Шубҳасиз яхши ният йўлида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни сусайтирадиган, бунёдкор қўлини боғлайдиган таъқиқлар, чеклашлар, ўринсиз аралашувларга барҳам бериш даркор.

Бозор иқтисодиётига ўтдик. Талабга қараб экин экилиши керак. Жувозлар ишлаяпти. Эшак, қунжут ёғларига талаб катта. Аммо уларни етиштираман деган колхоз ва совхозларга режа берилмайди. Оқ жўхорининг харидори кўп. Буни била туриб райплан унга ҳам ер ажратмайди. Мушкул вазиятдан тезроқ қутилиш учун фақат хом ашё эмас, балки кўплаб маҳсулот ишлаб чиқариш вазифасини олдимизга қўймоқдамиз. Демак халқимизнинг тарихий тажрибасини ўрганса ёмон бўлмайди. Минг йиллар олдин машҳур Ипак йўлидан қатнаган карвонлар узоқ юртларга биздан фақат хом ашё ташиган эмас, балки атлас парчалари, зардўзи кийимлар, қимматбаҳо буюмлар сотиб олиб кетганлар.

Олмалиқ томонларда маъдан конлари бўлган. Тошкент усталари бу ажойиб табиат бойлигидан қурол-аслаҳалар ясаганлар. Азим шаҳарда Ўқчи маҳалласи бор эди. Камони Шоший, яъни Тошкент ўқчи ёйи ҳам жаҳонга машҳур бўлган. Самарқанд эса ўзи ишлаб чиқарадиган ажойиб қоғози билан танилган. Улуғбек ва Навоийнинг асарлари илк бор Самарқанд қоғозига битилган. Ўша пайтлардаёқ чет элга қоғоз сотиб, катта фойда олишган.

Минг афсуски, сўнгги бир аср мобайнида анъаналар йўқ бўлиб кетди. Ҳозирги кунда нашриётларимиз қоғозга бениҳоя муҳтож. Яхши китоблар йиллар давомида чиқмай ётади. Қоғознинг нархи сўнгги бир йилда уч-тўрт баробар ошиб кетди. Ўзимизда йўқ, четдан олишга мажбурмиз. Кийим-кечак ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Ўтган асрда гиламу шолчалар, рўзғор буюмлари, кийим-бош қўлигул косибларимиз томонидан тайёрланган. Агар тараққиёт табиий изда борганда ҳунармандларимиз кичик корхоналар очиб, уларга замонавий дастгоҳлар ўрнатиб, бозорларни молга тўлдириб юборишарди.

Оддийгина нинани олинг. Ўзбекистон мустақил давлат бўлган замонларда барча йирик шаҳарларда нина тайёрлайдиган корхоналар бўлган. Ҳатто Самарқандда мана шу буюмни тайёрловчи машҳур маҳалла бор эди. Чоризм бизни мустамлакага айлантиргандан кейин ниналар марказий минтақалардан келтириладиган бўлди. Косибларнинг дастгоҳларни чанг босди.

Мустақил бўлмаган ўлка мажбурий тарзда хом ашё етказиб берувчи масканга айланади. Уни арзон сотиб, қимматга тайёр маҳсулот олиш оқибатида қишлоқларимизда деярли ўзгариш бўлмади. Қанчаданлар етишиб чиққан замонларни ҳеч қачон унутмаймиз. Шукурки, мустақилликка ҳизмат қиладиган минг йиллик илдизларимиз ҳамон тирик. Шу омилларга оби — ҳаёт берилса, улар эзгу мақсад йўлидаги ҳаракатларимизга мадад бериши шубҳасиз. Шу боис биз яхши истиқболни мустақиллик ҳамда иттифоқликдан излашимиз керак.

Бу икки ишни қўшиб олиб боришда қишлоқ аҳли ҳал қилувчи кучдир. Чунки халқимизнинг 70 фоизи қишлоқларда яшайди. Ишни енгил саноатни ривожлантиришдан бошлаш керак. Чеварлар, тўқувчилар, ҳунармандлар аъзолари бўлган. Уларни замонавий дастгоҳлар, тикув машиналари билан таъминласак жумҳуриятни саноат ўлкасига айлантиришга катта ҳисса қўшишлари мумкин. Ахир Хитой, Ҳиндистон каби шарқ мамлакатларида 40—50 фоиз кичик корхоналар қишлоқ, жойларида барпо этилганку. Президентимиз бизни шарқи-жанубий Осиёнинг тажрибасини ўрганишга чақираётганлари бежиз эмас. Агар қишлоқларимизда маҳаллий саноат шахдам одим ташласа, қисқа вақт ичида қаддимизни тиклаб олишимиз мумкин. Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. Мутахассисларнинг таъкидлашича 1 миллион тонна толани ўзимиз йигириб ипга айлантирсак, 4 миллион тонна толанинг даромадини олар эканмиз. Шу ипни яхши матога айлантириб сотсак, 8 миллион тонна толанинг даромадини бераркан. Худди шу матодан харидоргир кийимлар ишлаб чиқарсак 1 миллион тонна тола 12 миллион тонна толанинг даромадига тенг бўларкан.

Қишлоқ шаҳар саноатига ҳам ишчи кучи етказиб беради. Президентимиз ёшлар газетасидаги мақоласида: «Биз иложи борича кўпроқ йигит-қизларимизни илғор мамлакатларга ишга юборишимиз керак. Бу масалада ҳеч қандай чеклаш бўлмаслиги керак» дедилар. Чиндан ҳам ёшларимиз дунё кўришсин. Лекин ота-оналаримиз фарзандларини ўз бағриларида тутиб туришга ўрганишган. Бир ҳовлида беш-олти оила, йигирмалаб бола... Баъзи йигит ва қизлар Тошкент ёки Самарқандга бориб ишлашни ихтиёр этишса ота-оналари оёқ тираб туришади. Масалага кенгроқ ёндашайлик. Ахир бизда миллий ишчи синфи ҳалигача шаклланганги йўқ. Қишлоқ бош қўшмаса мақсадга эришилмайди.

Дарёлар томчилардан таркиб топганидек, Ўзбекистоннинг мустақиллиги ундаги ҳар бир ишчи-деҳқоннинг, ёшларнинг мустақиллигидан таркиб топади. Чинакам мустақил фикрлайдиган одамгина қардошлар орасида ўзлигини йўқотмайди, миллий ғурурини баланд тутади. Чинакам мустақил кишигина ўз халқига бўлган меҳрини бошқа халқларга бўлган ҳурмат билан қўшиб олиб бора олади.

Ҳозирги кунда «Суверен республикаларнинг Иттифоқи тўғрисида шартнома» лойиҳаси кенг муҳокама қилинмоқда. ССР Иттифоқини сақлаб қолиш тўғрисидаги СССР референдумида совет фуқароларининг янгиланган Иттифоқини шакллантириш кўпчиликнинг дил муддаоси эканлиги таъкидланди. Шу боис Иттифоқ шартномасини ишлаб чиқиш ва уни қабул қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Лойиҳани қайта-қайта ўқиб чиқдим. Айрим мулоҳазаларни баён қилмоқчиман. «Иттифоқнинг тузилиши» бўлимида ССР Иттифоқининг тенг ҳуқуқли суверен республикалар олдидаги конкрет мажбуриятлари аниқ-равшан баён этилиши керак.

Иккинчи модда қуйидаги таҳрирда берилса айни муддао бўларди: «Иттифоққа кирувчи жумҳуриятларнинг фуқаролари конституцияда, иттифоқнинг қонунлари ва халқаро шартномаларда мустаҳкамлаб қўйилган тенг ҳуқуқларга, эркинликларга ва мажбуриятларга эгадирлар».

УЙЧИДА ЯГОНА

Уйчи районидаги Ленин номли жамоа хўжалиги иқтисод жиҳатдан бақувват, сертармоқ колхозлардан бири. Бу ерда ажойиб заршуносларнинг, чорвадорлар, соҳибкорлар фаолият юритишади. Улар меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ички имкониятлардан унумли фойдаланишга қаратилган ташаббуслар билан майдонга чиқишмоқда. Хўжалик раҳбарлари, партия комитети омма талаби, орзу интилишларини чуқур ўрганишяпти. Бу ерда биринчилардан бўлиб пахтачилик, чорвачиликда пудрат усули жорий этилди. Натижада аксарият соҳани ривожлантиришда илдам қадамлар қўйилди.

Ўтган йили илғор хўжалик пахтакорлари ҳар гектар ердан 30 центнердан ошириб хирмон кўтардилар. Иллик режа зиёдаси билан адо этилди, ҳар қачонгидан кўп даромад олинди. Яна бир хайрли ишга қўл урилди. Колхозда полос тайёрлаш цехи ишга тушди. Юзга яқин хотин-қизлар ижтимоий меҳнатга жалб қилиндилар. Бу ерда ишчиларнинг унумли меҳнат қилиб, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун шароит муҳайё этилган. Сидқидил тер тўкаётганлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилаяпти. Меҳнат беллашувида ўз касбининг устаси Минавархон Исматуллаева пешқадам. Унинг қўлидан чиқаётган полослар ўзининг бежиримлиги, сифатлилиги билан ажралиб туради.

— Бизда аҳоли ниҳоятда зич жойлашган, — дейди Минавархон, — жуда кўп дугоналарим тузукроқ иш тополмай қийналишарди. Ёрдамчи хўжаликларнинг ривожлантирилиши натижасида улар ажойиб касбларнинг эгалари бўлишаяпти.

М. ЖЎРАЕВ чизган расмлар.

ЙЎЛИ ФАҚАТ МЕҲНАТДАДИР

ОМИЛКОРНИНГ ИШИ ОЛЧИ

Л. КИМ,
Ғалаба районидаги «Заря коммунизма» жамоа хўжалиги бригадири

Хўжалигимизда йигирмага яқин миллат ва элат вакиллари яшаб меҳнат қилишади. Ўзбек, корейс, қозоқ, рус, тожик, украин, бошқирд дўстлик куч-қудратини амалда намойиш этишаяпти. Ўзим йигирма йилдан буён заршуносларнинг сафидаман. Сўнгги йилларда канап етиштиришнинг ўзига хос тажриба мактаби яратилди. Боғбону соҳибкорларимиз иқтисодиётни мустаҳкамлашга астойдил киришишган. Яқинда 25 гектар ерда боғ барпо этилди. Фермер хўжаликлари ҳам ривожланаяпти. Янгиликка қўл урган ўн хонадонга колхоз пул ажратди. Буларнинг ҳаммаси қўшимча маҳсулот, даромад манбаидир.

Беш йил ичида бригадамиз заршуносларининг бешта чигит навини синовдан ўтказишди. Айниқса С—6524 нави бизга маъқул бўлди. Серҳосил, машинада теришга қулай. Ўтган йили ҳосилдорлик гектарига 28 центнер ўрнига 33 центнерни ташкил этди. Бир колхозчи ойига ўрта ҳисобда 500 сўм атрофида даромад қилди. Демак омилкорга, ишбилармонга бозор иқтисодиёти қўрқинчли эмас.

Бу йил пахтакорларимиз алоҳида ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишаяпти. Бригадамиз бўйича чигит экиш барвақт тугалланди. Ҳамжиҳатликда бошқа соҳаларни ҳам жадал ривожлантираяпмиз. Хўжаликда саноат корхоналарининг цехлари ишга туширилди. Яқин вақт ичида томат ишлаб чиқарадиган кичик корхона қурилиши бошланади. Даромадга қараб буромад деганларидек, бунёдкорлик ишлари жонланмоқда. Она қишлоқларимиз чиройига чирой қўшилаяпти. Умуман сўнгги икки йил ичида уй-жойлар қуриш, ободончиликка 2 миллион сўм сарфланди. Қишлоқ қурувчилари 57 янги уйнинг калитларини топширишди.

Колхоз партия комитети кадрларга нисбатан талабчанликни оширган. Дала шийпонларида бошқа масалалар қатори «Суверен республикаларнинг Иттифоқи тўғрисида шартнома» лойиҳаси қизғин муҳокама қилинмоқда. Куни кеча бўлиб ўтган йиғилишда қуйидаги фикрни илгари сурдик: лойиҳани «Иттифоқдош республикаларнинг суверен ҳуқуқлари тўғрисида»ги махсус бўлим билан тўлдириш керак.



Олтинкўл районидаги Куйбишев номли жамоа хўжалигида кейинги йилларда чорва учун озуқа етиштиришга катта эътибор берилаётир. Хўжаликнинг Абдуфатто Комилов бошлиқ бригада аъзолари 34 гектар майдондаги маккажўхорининг ҳар гектаридан 60 центнердан қаҳрабо дон ва 450 центнер кўк поя олишга аҳд қилишган. Айни кунларда маккажўхори қатор ораларига ишлов бериш бошлаб юборилди. Моҳир механизатор Абдувоҳид Абдулаҳатов кунига 4—5 гектар майдонни қўлдан чиқармоқда.

СУРАТДА: А. Абдулаҳатов.

Т. ҒОФУРОВ олган сурат.

«Қишлоқ ҳақиқати» бонг уради

ПУДРАТЧИГА МУНОСАБАТ ШУМИ?

Оржоникидзе район шўро ва хўжалик органлари, хўжаликларнинг раҳбар ва мутахассислари меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулларини жорий этишда муайян ишларни амалга оширдилар. Қатор колхоз ва совхозларда бригада, оилавий ва жамоа пудрати, фермерлик ҳаракати кенгайиб бораяпти. Ўтган икки йил ичида 3.103 оилага ер ажратилди. Шахсий уй-жой қуриш, қорамол сотиб олиш учун аҳолига 4,2 миллион сўм ссуда берилди. Фуқароларга 940 бош бузоқ, 507 чўчқа боласи, 298 минг жўжа, 3,4 минг тонна озуқа сотилди.

Афсуски, вақт ўтиши билан хайрли ишларга бўлган эътибор сусайди. Баъзи хўжаликларнинг раҳбарлари пудратнинг аҳамиятига ҳанузгача етарли эътибор беришмаяпти. Пудратчилар, ижарачилар билан суҳбатлашганимизда улар лозим даражада эътибор, ғамхўрлик кўрсатилмаётганлигини алам билан таъкидлашди. Халқ назоратчилари хўжаликларда бўлиб, аҳвол билан батафсил танишганларидан сўнг эътироз ҳоз ўрнида тўғрилигига ишонч ҳосил қилдилар. Масалан, Оржоникидзе номли давлат хўжалигининг тўртта агроучасткаси ижарачилари плёнка, яшчиклар ва бошқа муҳим жиҳозлар билан вақтида таъминланмаган. Оқибатда дала маҳсулотлари нобуд бўлган. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда ўқувсизлик, масъулиятсизлик туфайли ерда чириган неъмат қиймати 542 минг сўмни ташкил этади. Ахир йил бўйи заҳмат чекиб, меҳнат қилган ижарачида нима айб?!

Йиллар мобайнида уруғ муаммоси ҳал бўлмаяпти. Раҳбарлар деҳқоннинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлғазиб келишаяпти. 1990 йилда «Сортсемовощ» ташкилотлари ижарачиларга сифатсиз уруғлик картошка етказиб бердилар. Унинг маълум қисми чириганлиги учун экилмаёқ ҳисобдан чиқарилди. Ўз-ўзидан режа бажарилмади. Картошкачиликдан катта иқтисодий зарар кўрилди.

Таъкидланганидек, қадоқ қўлли деҳқонлар эзгу мақсад йўлида куч-қувватларини аямай меҳнат қилишмоқда. Аммо дала ноз-неъматларини истеъмолчиларга етказиб берадиган мутасадди ташкилотлар, тайёрлов идораларининг айби билан айни пишиқчилик кезларида улар очиқ ҳавода хор бўлиб ётади, сифати бузилади. Оқибатда колхозчининг нони яримта бўлади. Оржоникидзе номли, Мусамухамедов номли, «Қибрай» давлат хўжаликларида қайта ишлаш цехлари ҳамда омборхоналар етарли бўлмаганлигидан мева, сабзавот ва бошқа неъматлар исроф бўлмоқда.

Кўпгина хўжаликларда ижарачи билан совхоз ўртасида тузилган шартномаларни расмийлаштиришда жиддий камчиликларга йўл қўйилган. Пировард натижа ҳам шунга яраша. Ўтган йили Оржоникидзе райони бўйича дон етиштириш режаси 78 фоизда, картошка 45, сабзавот 82, мева 65, сут 97 фоизда қолиб кетди. Боз устига корхона ва ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликларини ривожлантиришга ҳам панжа орасидан қаралаяпти. Сўнгги икки йил ичида уларнинг сони 9 тадан 3 тага тушиб қолди. Гап шундаки, чорвачиликни ривожлантиришнинг бош омили — озуқа етиштириш ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Хўжаликларда жумҳурият Президенти фармонларини бажариш юзасидан белгиланган тадбирларни амалга оширишда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Ҳисоблаб чиқилганда район бўйича 393 колхозчи, совхоз ишчиси оиласининг аризаси қондирилмаганлиги маълум бўлди. Қатор колхоз, совхозлар бузоқларни аҳолига эмас, бозорга олиб чиқиб сотишмоқда. Ўтган ўн тўрт ой ичида «Қизил Ўзбекистон», «Октябрь», «Коммунист» жамоа хўжаликлари 165 бош бузоқни бозорда сотишган. Шунинг учун мазкур хўжаликлардаги аҳолининг ярмида қорамол йўқ. Қишлоқ Кенгашлари бонг уриш ўрнига келишувчанликка йўл қўйишмоқда.

Баъзи раислар, директорлар билан суҳбатлашсангиз улар биринчилар қаторида томорқа ерлари ажратишганини алоҳида ургу билан гапиришади. Ачинарлиси шуки, сув йўқлиги туфайли қанчадан-қанча томорқаларда экин битмаяпти. Масалан, «Қибрай» давлат хўжалигидаги 300 оила сув муаммоси ҳал этилишини кута-кута тоқати тоқ бўлди.

Оржоникидзе район партия комитети, райижроқўм, хўжаликларнинг раҳбарлари пудратчи, ижарачига бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришлари керак. Зеро, эл дастурхонини тўкин-сочин қилиш учун сидқидил тер тўкаётган фидокорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шарт-шароит яратиш ҳам қарз, ҳам фарздир.

М. ИЛЕСОВ.

ХОЛИС ФИКР

АЁЛ ЭЪЗОЗИ

М. НАВРЎЗОВА,
Вобкент районидаги Калинин номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси.

Ҳар куни дала ва боғларни айланиб, заҳматкаш деҳқонлар билан мулоқотда бўламан. Уларнинг касб-корга садоқати, ҳар қандай шароитда ҳам омилкорлик, сабр-қаноат билан иш юритишлари мени лол қолдиради. Ҳа, бободеҳқон бутун меҳру муҳаббатини ерга бағишлайди, мурғак ғўза ниҳолларини фарзандидек ардоқлайди. Биласизми, эрта тонгдан то кун ботгунга қадар далада меҳнат қилиб, арзимаган маош олган кезларда ҳам колхозчиларимиз нолишмади. Негаки пахта Ватанимиз, халқимиз учун ғоят қимматли хом ашё эканлигини қалбдан ҳис қилишади.

Сўнгги йилларда республика партия ва ҳукумати, жумҳурият Президенти амалга ошираётган инсонпарвар сиёсат қишлоқ кишисининг қадрини ўн чандон оширди. Заршунос, чорвадор, боғбону соҳибкор меҳнатига яраша ҳақ оладиган бўлди. Кайфиятга кўп нарса боғлиқ. Замин заргарлари ғамхўрликка жавобан сидқидил тер тўкишаяпти. Рақамларга мурожаат қилайлик. Районимиз хўжаликлари иқтисодий жиҳатдан ўзларини анча тутиб олдилар. 1990 йилда жами 1.500 гектар пахта майдони қисқарган бўлса-да, 4054 тонна кўп оқ олтин сотилди. Ҳосилдорлик гектарига 35,4 центнерни ташкил этди. Калинин номли ва Қаюм Муртазоев номли хўжаликларда бу кўрсаткич қарийб 40 центнерга етказилди.

Ўзим раҳбарлик қилаётган колхоз меҳнаткашлари мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишаяпти. Илғорлар тажрибаси амалиётга жорий қилинаётганлиги, ҳайрлиқ ҳаракатлар кўпчилик мулкига айланаётганлиги кутилган натижаларни бермоқда. Ўтган йили қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш юзасидан қабул қилинган режалар зиёдаси билан адо этилди. Белгилангандан кўп — қарийб 5 миллион сўм даромад қилинди. Деҳқонларнинг билим ва маҳоратларини ошириб, қуйи бўғинларни билимдон, омилкор мутахассислар билан мустаҳкамлаганлигимиз мақсадга эришишда муҳим омил бўлмоқда. Ноз-неъмат бунёдкорлари сўмни сўмга уриштиришяпти. Тежамкорлик режими кучайди. Шу боис бирон соҳа йўқки, зарар кўрилаётган бўлсин.

Хўжалик раҳбари сифатида бошланғич партия ташкилоти нуфузини ошириш, коммунистлар раҳнамолигини кучайтиришга баҳоли қудрат ҳаракат қилаяпман. КПСС аъзолари сўз ва шахсий ибратлари билан барчани олға ундашаяпти. Ферма коммунистларининг ташаббускорлиги туфайли биринчи квартал режаси муваффақиятли удаланди.

Мен аввало аёлман. Шу боис қишлоқ хотин-қизларининг яшаш ва турмуш шароитларини яхшилаш, мушкулларини осон қилиш ҳақида бош қотираман. Ўзимни ўйлантираётган долзарб масалалар хусусида республика қишлоқ хўжалиги ходимлари қурултойи минбаридан гапирдим. Ҳаммага маълум, йиллар мобайнида ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётимизда муайян силжишларга эришилди. Бироқ қишлоқда ҳаёт деярли ўзгармади. Ҳанузгача 15 кунда қозонига бир маротаба гўшт тушадиган, асосан нон-чой билан тириқчилик қиладиган оилалар жуда кўп. Бозор иқтисодиёти шароитида муаммолар янада болалаб кетди.

Президентимиз И. А. Каримов қурултойда сўзлаган нутқида аёллар олдида қарздор эканлигимиз, уларнинг ҳаёти, меҳнат фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда лозим даражада изчиллик сезилмаётганлигини алоҳида таъкидлаб, хотин-қизларни оғир меҳнатдан ҳоли қилиш, уларга қисқартирилган иш куни белгилаш лозимлигини уқтирдилар.

Шу ўринда бир муаммо хусусида тўхталмоқчиман. Хонадонимизга газ, водопровод суви кириб келмас экан, меҳнатимизни енгиллатиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларидан марказ томон йирик газ қувурлари ўтган. Бироқ ҳамқишлоқларим зангори оловдан баҳраманд бўлолмай тезак тутатиб, овқат пиширишга мажбур бўлишаяпти. Районимизда ер анча чекланган. Вилоят, партия қўмитаси Вобкентда ишсизлар сони кўпайиб бораётганини инобатга олиб Қоровулбозор массивидан иккита пахтачилик совхозини ноҳиямиз ихтиёрига бериб жуда тўғри иш қилди. Бунинг шарофати туфайли колхозчиларимиз ёз ойларида чўлга бориб ишлаб, қўшимча даромад олиш имкониятига эга бўлдилар. Яна бир янгилик. Қовун-тарвуз етиштирадиган янги давлат хўжалиги ташкил этилди. Ўтмишда барчага маълум ва маъқул бўлган бу неъматларнинг ажойиб навларини, қовун қоғини кўпайтириш мўлжалланган. Ҳозир ҳамма яхши ишлаб, яхши даромад қилиш пайида бўлаяпти. Бунинг учун бизда имконият етарли. Ҳаракат, иштиёқ бўлса бас! Бироқ бир нарса кўнгилни хижил қилиб турибди. 1983 йилда районимиз ҳудудида пахта тозалаш заводи қурилиши бошланганди. Баъзи раҳбарларнинг совуққонлиги туфайли бу муҳим объект 8 йилдан бери чўзилиб келаяпти.

Оқкўнгил, меҳнатсевар, камсуқум, ҳамиша ақл ва сабр-қаноат билан иш юритадиган ноз-неъмат бунёдкорларига ҳар қанча ҳавас қилсак, осмон қадар эъзозласак арзийди. Улар қўклам келди дегунча гап-сўзни, гина-кудуратни йиғиштириб далага, саховатли боғларга отланишади. Эрта тонгдан то кун ботгунга қадар сидқидил тер тўкиб, эл насибасини яратишади. Мана, аксарият заршусларимиз чигит экишни тез ва соз ўтказиб, ишлаб гектарлар ҳосил қилишди. Сабзавоткорлар эса эртаги маҳсулотларини пешма-пеш шаҳарликларга тортиқ қилишмоқда.

Бу табаррук, нияти улуғ кишиларга тинчлик, хотиржамлик, яхши кайфият бўлса бас. Ҳар қандай шароитда ҳам ишнинг қаловини топишади. Тўғри, пахта яккаҳокимлиги оқибатида йиллар мобайнида қишлоқларимизда ҳаёт мураккаблигича қолаверди. Савдо, тиббиёт, маданий-маиший соҳадаги етишмовчиликлар деҳқонлар, чорвадорлар кайфиятига, иш унумига салбий таъсир этмоқда. Шу боис ушбу қўш саҳифада иштирок этганлар қувончли ўзгаришлар, тажрибалар, ташаббуслар билан бирга ўзларини ўйлантираётган долзарб масалалар, ечимини кутаётган муаммолар хусусида фикр юритдилар, қимматли таклифларни ўртага ташладилар, юқори партия, совет ташкилотлари олдига аниқ талаблар қўйдилар. Биз бундан буён ҳам ноз-неъмат бунёдкорлари билан алоқани мустаҳкамлаб, ўринли талабларни бажариш юзасидан белгиланган тадбирлар қандай амалга оширилаётганлиги ҳақида ҳикоя қилиб борамиз.

Хулоса: ҳаётни севишни, вақтни қадрлашни, касб-корга садоқатни, сидқидил тер тўкишни азизу мукаррам бободеҳқондан, ноз-неъмат бунёдкоридан ўрганишимиз керак. Шундагина иқтисод юксалади, муаммолар ўз ечимини топади, дастурхонимиз яна тўкин-сочин бўлади.

Қўш саҳифа мақолаларини «Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари М. ҚАЮМОВ ва О. ҒОФУРОВ тайёрлашди.

КЎЗМУНЧОҚ

Кўзмунчоқ қадим замонлардан бери халқимизнинг болаларга бўлган меҳр-муҳаббати рамзи сифатида қўлланилиб келинади. Чақалоқ туғилгандан, «боши тошдан бўлсин, кўз тегмасин» деб бош кийими, қўл ва бўйни, икки кифти, бешик ва беланчагигача чиройли мунчоқлар тақиб қўйишади.

Кўриниши қора, оқ, ихчам, худди кўзни эслатувчи мунчоқлар асл тошлардан ясалган бўлиб, халқ амалий санъати турларига киради. Илгарилари уни бозордаги ёймачилар, атторлар сотишар эди. Эндиликда бундай халқ амалий санъати турлари дўконларда ҳам сотиладиган бўлди. Тасвирий санъат асарларини томоша қилаётганда қўлига кўзмунчоқ тақиб юрган бола тасвирини кўриб чиндан ҳам у жажжилар учун ишлаб чиқарилаётганидан мамнун бўламиз.

Халқимиз болани гулга таққослайди. Унга кўз тегмасин, бало-қазодан асрасин, дейишади. Инсоннинг кўзи одам тугул ҳатто филни йиқитади, дегувчилар ҳам йўқ эмас.

Бола кўрмаган бир аёл ҳақида эшитганман. Кимнинг фарзандини қўлига олса, тақилган кўзмунчоқлари бўлса ҳам, боланинг тоби қочиб, бўшашиб кетаркан. Бир куни шўх, қувноқ, ёқимтой болакайни кўтариб юриб ухлаб қолгач, уни ётқизиб кетибди. Бола уйқудан турганч, сутдек оқ ранги ўчиб, мадордан кетибди. Болакай тобора оғирлашаверибди. Шифокорга кўрсатишган экан, бола миннингит бўлгани, вақтида олиб келишмагач, кечиккани, энди давоси йўқлигини айтибди. Орадан кўп ўтмай ёшгина ниҳол оламдан кўз юмибди.

Бир онахоннинг фарзандлари, неваралари ҳам сероб экан. Ён қўшнисининг келини куни етиб, ўғил кўрибди. Бола оппоқ, думбоққина ва чиройли экан. Ўсган сари яна ҳам ёқимли бўла бошлабди. Бир куни бояги бефарзанд аёл қўшни келиннинг боласини ўйнатиб, у юзи, бу юзидан ўпиб, меҳр билан бағрига олиб ухлатиб кетгач, уйғонган бола яна олдинги бола каби тоби қочиб қолибди. Бу сафар участка шифокори уйида даволамоқчи бўлибди-ю, вақт ўтиб у оғирлашавергач, касалхонага олиб келишибди. У ердаги даволовчилар ҳам: «Болада касаллик аломатлари пайдо бўлиши билан кечикмасдан келтириш керак эди», дейишибди. Бу боланинг қисмати ҳам олдингисиникига ўхшаш ўлим билан тугабди. Аёл бечора шу-шу қўлига бировнинг фарзандини олмайдиган бўлибди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Удумларимиз

Шарқда Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари кўзмунчоқлардан доимо фойдаланиб келишган. Айниқса, ўзбек халқи фарзандларини соғ-саломат, бегард ўсишида уларга сидқидилдан ишониб, меҳр қўйишган. Ҳатто болаларга атак-чечакка ўргатишганда: «Атак-чечак, оёғига кўзмунчоқ» деб, болани юргизишади. Шунинг ўзи халқнинг кўзмунчоққа яхши муносабатини билдиради.

Кўзмунчоқ кўз тегишдан асрайди деб болани у билан безаб ташлаш ҳам тўғри эмас. Инрик шифокорларимиздан бири шундай деганди: «Бир куни ҳузуримга ёшгина аёл ўғилчасини кўтариб келди. У боласининг иштаҳаси йўқлиги, тобора ҳарҳаша қилиши, кундан-кунга озиб, яхши ухламаётгани, кўзлари киртайиб қолганидан шикоят қилди. Текшириб кўрсам, ҳаммаси тўғри чиқди. Бошқа ҳеч қандай касали йўқ. Кўзим болани бўйни, икки билагидаги шода кўзмунчоқларга тушди. Улар унинг бўйни, билакларига ботганидан қизарган излар қолдирибди. Аёл ўғлининг икки елкаси, бош кийимига ҳам кўзмунчоқ доналари қадаб қўйганди. Ўйлаб-ўйлаб бола саломатлигини заифлаштирган кўзмунчоқ эканлигини пайқаб, уларни олиб, онасига тутқаздим. Кўзмунчоқларнинг кўплиги болани ухлаши, дам олиши, иштаҳасининг бўғилиши, озиб кетишига сабабчи бўлгандлигини уқтириб иштаҳа дорилар ёзиб бердим-да, бир ҳафтадан сўнг болани кўрсатишларини айтдим. Орадан шунча вақт ўтгач, она боласи билан ҳузуримга келаркан, ниҳоятда мамнунлигини изҳор этди. Боланинг аҳволи яхши эди».

Ишхонамизда ходимларимиздан бири чойнак қопқоғига кўзмунчоқ тақиб қўйганди.

— Нега чойнагингизга кўзмунчоқ тақдингиз? — десам у:

— Чиройли кўринсин учун. Пахта гулли чойнагимга кўзмунчоқнинг ярашганини кўринг, — деди кулиб.

Кўзмунчоқ болаларга фақат кўз тегмаслик, назарнафас учунгина эмас, балки катталар учун ҳам нафосат, гўзаллик рамзи ўрнида ишлатилиб келганига шубҳа қилмасак ҳам бўлади.

М. АҲМЕДОВ.



Халқ удумлари, миллий анъаналари маданиятнинг таркибий қисми ҳисобланади. Яқинда Фориш районида халқ миллий анъаналарига бағишланган шодиёна бўлиб ўтди. Бу тантанага қардош жумҳуриятлардан 300 нафардан ортиқ мутахассислар ташриф буюришди. Урф-одатларнинг ранг-баранглиги айниқса, меҳмонларни ҳайратга солди. Уч кун мобайнида спортчилар қадимий миллий спорт ўйинлари билан, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг аъзолари ўз чиқишлари билан меҳнаткашлар дилини хушнуд этишди.

СУРАТЛАРДА: тантанадан лавҳалар.

У. ҚУШВОҚОВ олган суратлар.

ҚАТРА

● **Нияти холиснинг ҳаракати холис,**
Ҳаракати холиснинг баракати.

● **Эзгу ишлар оқибати: барака, қут,**
Ёвуз ишлар оқибати: хароба, ют.

● **Эрта эккан армонда,**
Кеч эккан армонда.

● **Бугунги иш андозасин кечадан ол,**
Эрта куннинг режасин бугундан.

● **Режали ишнинг ройиши бор,**
Режасиз ишнинг қойиши.

● **Ер тилин билган деҳқон,**
Ишнинг кўзин ҳам билар.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ тўплаган.

СПОРТ

ФУТБОЛ

Мамлакат биринчилигининг олий гуруҳида бўлиб ўтган навбатдаги тур учрашувларида пахтакорчиларнинг омади келмади. Улар Харьковда маҳаллий «Металлист» жамоасига ютқазиб қўйишди.

Тошкентда Москванинг «Локомотив» клуби устидан қозонилган ғалаба «Пахтакор»нинг ўйинлар жадвалидаги мавқеини бирмунча яхшилаган, ҳамюртларимиз охирги ўринни тарк этган эдилар. Афсуски, мана кўп йилдирки, улар ўзгалар майдонида яхши ўйнай олмаяптилар. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Харьковда бўлиб ўтган учрашувнинг биринчи бўлимида пахтакорчилар дуруст ўйнаб, дарвозаларимиз дахлсиз қолдиришга эришдилар. Ҳатто матчнинг иккинчи қисмини уюшқоқлик билан бошлаб, ҳисобни очишга муваффақ бўлдилар. Аммо уларнинг кучи шунга етди, холос. Ҳисобни очганларидан сўнг яна «эски касаллик»лари тутиб, ҳимояга ўтиб олишди. Натижада ташаббус узил-кесил майдон эгалари қўлига ўтди.

Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш керак: пахтакорчилар ҳимояда яхши ўйнай олмаяпти. Бу сафар улар мезбонларнинг қаторасига уч бор дарвозани аниқ нишонга олишларига йўл қўйиб беришди. Ҳамюртларимизнинг бундан кейинги уринишлари фойда бермади, ўйин тақдири ҳал бўлган эди.

Ўрни келганда қобилиятли ярим ҳимоячи Андрей Пятницкий клубдошларига ибрат кўрсатганини таъкидлаш лозим. У биринчи тўпни узоқ масофадан туриб, шундай қойилмақом қилиб урдики, учрашув шарҳловчисининг зътироф этишича, бу ойнинг энг чиройли тўплари қаторида юксак баҳога даъвогарлик қилиши мумкин. Афсуски, пахтакорчилар Андрейни қўллаб-қувватламадилар. Оқибатда учрашув ҳамюртларимизнинг мағлубиятга учраши билан тугади.

Энди улар Минскка йўл оладилар. Бу ерда олий гуруҳнинг кучли жамоаларидан бири — маҳаллий динамочилар билан учрашишлари керак. Улар ўртасидаги матч 27 апрелда ўтказилади.

ХОККЕЙ

Финляндияда ўтаётган Европа ва жаҳон биринчиликларида икки турдан сўнг СССР ва Канада хоккейчилари пешқадам бўлиб олдилар. Мамлакатимиз вакиллари дастлаб Швейцария, сўнгра Германия ва Финляндия терма жамоалари устидан ғалаба қозониб, имкониятдаги олти очкони қўлга киритишди.

АҚШ, Швейцария ва Германия терма жамоаларини мағлубиятга учратган Канада хоккейчиларида ҳам шунча очко бор.

Учинчи-тўртинчи ўринларда Финляндия ва Швеция хоккейчилари боришмоқда. Улар ҳисобида учтадан очко бор.

Муҳаррир Н. ЕҚУБОВ.

АДОЛАТНИ БУКИБ БЎЛМАС

Самарқанд шаҳрининг собиқ прокурори Обид Алибоев олти йилдан знёд вақтдан бери судсиз қамоқда сақланаётгани ҳақида жумҳуриятимиздаги бир қанча рўзномалар ёзишди. Ниҳоят СССР Бош прокурорининг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси Б. Свидерский бошлиқ терговчилар гуруҳи тергов ишларини тугатди. Ҳозир ўзССР Олий Судида суд аъзоси А. Попков раислигида О. Алибоев ишини кўриш бошланди. Ушбу судда СССР прокуратураси 2-бошқармаси прокурори В. Румянцев давлат айбловчиси бўлиб қатнашяпти.

Яқинда жамоатчи мухбиримиз айбланувчининг адвокати Шариф РАББИМОВ билан суҳбатлашди.

— **Шариф ака, жумҳурият жамоатчилигини бир нарса қизиқтирмоқда. Маълумки, О. Алибоев Самарқандда шаҳар прокурори бўлиб ишлаган. Нима сабабдан унга тегишли жиноят иши терговини Ўзбекистон ССР прокуратураси олиб бормаган?**

— Аввало шуни таъкидламоқчиманки, судга берилган ишда О. Алибоевга нисбатан жиноят иши қўзғатилганлиги ҳақидаги қарор йўқлиги энг оддий ҳуқуқшуносни ҳам таажжублантиради. Алибоев прокурор этиб тайинланганига қадар бир неча йил Ўзбекистон прокурори ҳузурида алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи ва катта терговчи бўлиб ишлаганди. Шу даврда у ўнлаб тергов гуруҳларига раҳбарлик қилган. Жумладан, у раҳбарлик қилган тергов группаси 1981-82 йилларда Поп районида жойлашган В. И. Ленин номли агросаноат бирлашмаси таркибига кирувчи хўжаликлар молиявий фаолияти бўйича қўзғатилган жиноят иши юзасидан тергов олиб борган.

1984 йил август ойида агросаноат бирлашмаси бош директори Аҳмаджон Одиловга нисбатан Ўзбекистон ССР прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилган ва у қамоққа олинган. Одилов билан биргаликда унинг бир қанча яқин қариндошлари ҳам хибсга олинган. Жумҳурият собиқ прокурори А. В. Бутурлин ташаббуси билан иш октябрь ойи бошида терговни давом эттириш учун СССР Прокуратурасига берилган. О. Алибоев шу ишга алоқадор, деган мазмундаги Бутурлин санкцияси билан 23 октябрь куни қамоққа олинган. Шу муносабат билан Алибоевга тегишли жиноят иши СССР Прокуратураси томонидан тергов қилинган.

Қўйилган саволдан кўзланган мақсадни тушундим. Тўғри, агар Алибоевга нисбатан жиноят иши жумҳурият прокуратураси томонидан алоҳида тергов қилинганда эди, унинг жиноят иши бир неча ой ичида тугалланарди ва у 6 йилу 2 ой қамоқда сақланмаган бўларди. Иш судга ўтишдан олдин унинг Алибоевга тегишли қисми ажратилган ва алоҳида кўриш учун жумҳуриятимиз Олий Судига юборилган. Иш ҳозир шу судда Олий Суд аъзоси ўрток А. В. Попков раислигида кўрилмоқда.

Қонун номи билан

— **Марказий матбуотларда О. Алибоевга қўйилган айблар эълон қилинган эди. Айтинг-чи, терговда қўйилган шу айблар суд жараёнида ўз тасдиғини топяптими?**

— Қонунга кўра шахснинг айбдор эканлигини фақат суд аниқлайди. Бу умумий қоида барчага маълум. Бу қоидани СССР Бош прокурори ҳузуридаги муҳим ишлар бўйича катта терговчи Б. Свидерский ҳам яхши билади. У Алибоевга нисбатан тергов ишини юритиш давомида ва иш судга берилгач, бир қанча марказий матбуот органларида чиқиш қилиб, Алибоев айбларини санаб ташлаган. Менинг фикримча, бу қонунчилик принципларини қўпол равишда бузишнинг ўзгинаси. Алибоевга нисбатан жамоатчиликда салбий фикр уйғотиш ва шу йўл билан судга тазйиқ ўтказишдир. Б. Свидерский ўзининг бу ҳаракати билан қонунчиликни сиёсатга айлантирмоқчи бўлган.

Энди бевосита саволга келсак, суд тергови жараёнида Алибоевга дастлабки тергода қўйилган айблар сунъий равишда яратилганлигини аниқланмоқда. Айблар, образли қилиб айтганда, қумдан қурилган қўрғонга ўхшайди. Бу — менинг шахсий фикрим, албатта. Бу борада ўз фикримни тўлалигича суд тугагандан сўнг жумҳуриятимиз жамоатчилигига етказиш ниятидаман.

— **Терговчи билан давлат айбдовчиси тил топишса адолатга путур етмайдими?**

— Саволингизнинг мазмунини тушундим. Тўғри, давлат айбловини СССР Прокуратураси 2-бошқармаси прокурори В. Румянцев қувватламоқда. У ўзбек урф-одатларини ва маҳаллий шароитни чуқур билмаслиги мумкин. Лекин суд ўзининг одил ҳукмини чиқаришда фақат далилларга асосланади. Бу далиллар суд мажлисида тўпланган ва муҳокама қилинган бўлиши лозим. Ҳозирча далиллар эса (гувоҳлар) судланувчи Алибоев фойдасига гапиришмоқда.

Бу ишни ҳар ҳолда жумҳурият Олий Суди кўриб чиқаётгани катта аҳамият касб этади. Бу иш ҳақида марказий матбуотда билганича ёзишди. Билмадим, улар далилларни қаердан олишди экан.

— **Сиз тергов ишларидан хабардорсиз. Дастлабки тергов жараёнида гувоҳлардан мажбурий кўрсатмалар олиш ҳоллари бўлганми?**

— Иш очиқ суд мажлисида кўрилмоқда. Кўплаб гувоҳлар судга дастлабки тергов давомида О. Алибоевга нисбатан терговчилар тазйиқи остида туҳматдан иборат кўрсатмалар берганликларини айтишмоқда. Бу ҳали ҳолва. Айрим гувоҳлар О. Алибоевга нисбатан туҳмат қилишдан бош тортишгач, уларнинг ёш, ҳатто эмзикли болалари бор хотинларини ҳам қамоққа олишганликлари ҳақида кўрсатмалар беришди. Бундай шафқатсизликка суд бефарқ бўлмайди, деб ўйлайман.

Бу масаланинг бир томони. Бошқа томони шундаки, О. Алибоевга тегишли жиноят ишига фақат уни қораловчи ҳужжатлар қўшилган. Унинг фойдасига тўпланган далиллар, ҳужжатлар эса терговчилар томонидан қасддан ишга қўшилмаган. Айрим гувоҳлар токи Алибоевга қарши кўрсатмалар берганга қадарлик ўн ва ундан ортиқ марта сўроқ қилинган. Алибоев ва ишга мутлақо алоқаси йўқ унинг қариндошлари уйлари такрор ва такрор тинтув қилинган. Тинтувда олинган ҳужжат ва қимматли нарсалар изсиз йўқолган. Алибоевга нисбатан қонун талаблари қўпол равишда бузилган бошқа ҳолатлар ҳам суд давомида аниқланмоқда ва текширилганда ўз тасдиғини топмоқда. Ҳозирча бундай ҳолатларни тўла санаб ўтиш имкониятига эга эмасман.

— **Адвокат ўз номи билан ҳимоячи. Баъзи тажрибали адвокатлар «иш»ни биринчи кўришдаёқ қандай тугашини биладилар...**

— Сўзингизни бўламан. Ишнинг қандай тугашини биладиган тажрибали адвокатлар ҳам унга охирги нуқта қўя олмайдилар. Сўнгги ва ҳал қилувчи сўзни фақат суд айта олади. Бундай ҳуқуқ фақат судгагина берилган.

Бевосита О. Алибоев жиноий ишига тўхталадиган бўлсак, у сунъий равишда мураккаблаштириб юборилган. Бу чигалликлар одилона кўрилиши учун суддан кўп меҳнат ва катта маҳорат талаб этилади. Мен адвокат сифатида судга ҳақиқатни аниқлашда ёрдам қиламан, холос. Ҳақиқатнинг эса қарор топиши шарт.

З. МАМАДАЛИЕВ суҳбатлашди.

Ўлкамиз неъмати

БОДОМ

У раъногулдошларга мансуб. 40 тури борлиги аниқланган. Мамлакатимизда ўн уч хили ўсади. Бўйи 5—8 метргача етади. Барглари наштарсимон, четлари аррасимон қиррали, шохларга барги билан биринкетин жойлашган. Гулларининг ранги оқ ёки пушти. Меваси эгилган ёки чўзиқ тухумсимон, пўстлоғи қаттиқ.

Март ва апрель ойларида гуллаб, барг чиқаради, навига қараб меваси июль-сентябрда пишади.

Олд Осиё ва Шимолий Африка бодом ватанидир. Эронда, Афғонистонда, Ўрта Ер денгизи бўйларида, Копетдағда, Тянь-Шаннинг ғарбий қисмида, Закавказьеда табиий ҳолда ўсади. Қримда маданий йўл билан кенг кўламда ўстирилади.

Жумҳуриятимизда тўртта ёввойи, битта маданий тури учрайди. Асосан Фарғона водийсида, Сариосиё, Косонсой, Бешариқ ноҳияларида, Тошкент, Самарқанд, Наманган вилоятларида бодомзорлар бор.

Ниҳоятда шифобахш неъмат. Мағзи таркибида мой эмульсин ферменти, B_1 ва B_2 дармондорилари, қанд, оқсил ва бошқа моддалар кўп. Халқ табобатида мағзининг қанд билан аралашмаси дармонсизликда, нафас қисиши ва бош айланишида, йўталда ишлатилади.

Аччиқ бодомнинг мусалласга қўшилгани эшакемини, асалга аралаштирилгани тошма яраларни даволашда фойда беради. Бодомнинг сирка билан омихтаси замбуруғли хасталикларга шифодир.

Қариқиз ўсимлиги илдизининг бодом мойи билан дамламаси бошга суртилса, соч тўкилишини камайтиради. Ширин бодом мойи ёки мағзини сувга солиб, тайёрланган бу неъмат «сути»ни ичиш беозор сурги ҳисобланади.

Ширин бодом мойидан болаларга сурги дори тайёрланади. Қизамиқ чиққан кичкинтойларга чучук бодом уруғининг пўчоғидан олинган қайнатма ичирилади.

Совуққа чидамли навлари ҳам бор. Улар кеч гуллайди.

Бухоро бодомини шу дарахтнинг оддий тури билан чатиштириш йўли билан эртанги нави олинган. У барвақт гуллайди. Меваси июль охири, августда пишади, ўртача катталикда, мағзи тўқ ва ширин. Қисқаси, бодомни эъзозлашимиз, кўчатларини авайлаб ўстиришимиз даркор.

Ғ. ТОЛИПОВ.

Муҳаббат Аҳмедова ўз касбини пухта эгаллаб, эл меҳрини қозонаётган шифокорлардан. У 25 йилдан бери Косон ноҳиясидаги 52-давлат хўжалигида жойлашган тиббиёт масканида самарали меҳнат қилиб келмоқда. М. Аҳмедова ҳар бир беморни синчковлик билан кузатиб, сўнг муолажага киришади.

СУРАТДА: шифокор М. Аҳмедова.

Ш. СУЛТОНОВ олган сурат.

Ойнаи жаҳонда

25 АПРЕЛЬ ПАЙШАНБА

● УзТВ I

8.00 «Соғлом бўлай десакгиз».
8.15 Ҳужжатли фильмлар экрани.
9.15 Сув полоси бўйича СССР чемпионати. Олий лига. Аёллар.
9.45 «Автомобилдан сақлан». Бадиий фильм («Мосфильм»).

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.05 «Кубик». Мультфильм.
18.15 Алифбо сабоқлари. II босқич.
18.50 «Фан» телеойномаси.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Самарқанд вилояти Ургут шаҳар «Баржўш» ансамблининг концерти.
20.30 Москва. «Время».
21.15 «Ижод саҳифалари». Шоислом Шомуҳамедов.
22.00 «Ахборот».
22.20 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. «Олмос камар». Видеофильм. 3-қисм.
23.20 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Бахтингдан кўр». 1-кўрсатув.
00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

19.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Бу оқшомда».
20.30 Москва. «Время».
21.15 «Бу оқшомда» кўрсатувининг давоми.
22.15 «Одерда баҳор». Бадиий фильм («Мосфильм»).

● МТ I

6.00 «Тонг».
8.30 ИИВ маълумотларига кўра...
8.50 Мультфильмлар: «Биродар қўённикида ҳовли тўйи», «Етти ога-ини».
9.25 «Бегона ер йўқ». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
10.40 Футбол. Европа чемпионларининг кубоги. Ярим финал. «Марсель» (Франция) — «Спартак» (Москва). 1-тайм. Франциядан кўрсатилади.
11.30 ТСН.
11.45 Футбол. «Марсель» (Франция) — «Спартак» (Москва). 2-тайм.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадантарбия машқлари.
Ўқув программаси
8.15 «Россиянинг бош шаҳарлари». Ҳужжатли фильм.
8.45, 9.35 Табиатшунослик. 5-синф. Ўсимликлар ва қуруқликдаги хилма-хил жониворлар.
9.05 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
9.55 Компьютер билан мулоқот.
10.40, 11.40 Адабиёт. 10-синф. И. В. Гёте. «Фауст».
11.10 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.

*

12.10 «Йигитларнинг гули». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
13.15 Россиянинг ҳужжатли экрани.
14.30 «Эзгу ният». Мультфильм.
14.40 Ритмик гимнастика.

* * *

16.00 «Яширин куч». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. «Европа тупроғи» туркумидан («РТЕ», Ирландия).
17.00 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Швеция — ЧСФР терма командалари. Финляндиядан олиб кўрсатилади.
19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.45 В. А. Моцарт. Операларидан рақслар.
20.00 «Вертикаль». Станиславский ва Немирович-Данченко номли Москва академик мусиқий театрининг яккахони А. Лошак ҳақида ҳужжатли фильм.
20.30 «Время» (сурдо таржимаси билан).
21.15 СССР Олий Кенгашининг сессиясида.

*

22.15 Телевизион фильм.

*

22.45 Концерт.
23.05 «Уман боғи». Телевизион ҳужжатли фильм.
23.15 Хоккей. Жаҳон чемпионати. СССР — Канада терма командалари. Финляндиядан кўрсатилади.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»
(«Сельская правда»)
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Муҳаррир ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул котиб — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими— 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 33-54-33. 32-56-36, Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Безатиш бўлими—32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

БУЮРТМА № 5212 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64602. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12